ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

1997 ЙИЛ

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

26 декабр, № 52 (3527)

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўнинчи сессияси тўғрисида

АХБОРОТ

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси 25 декабр куни Тошкентда парламентнинг янги биносида иш бошлади.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Бош вазир, унинг ўринбосарлари ва Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари, дипломатия корпусининг вакиллари, республика ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари залда ҳозир бўлганлар.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Ҳалилов бошқарди.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи — котибиятни тузди, кун тартибини тасдиқлади.

Депутатлар сессия кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга киришдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш тўғрисидаги нутқини сессия иштирокчилари ва хорижий меҳмонлар зўр эътибор билан тингладилар.

Парламент Ўзбекистон Президенти нутқида баён қилинган мамлакат аграр соҳасида истиқболдаги ислоҳотларнинг кенг дастурини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш мақсадида бир қанча қонунлар лойиҳаларини кўриб чиқишга киришди.

Чунончи, Олий Мажлис аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раисининг ўринбосари М. Икромов Ер кодекси лойиҳаси ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналари санацияси тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди, шу қўмита котиби П. Шаропов ўз маърузасида деҳқон хўжаликлари тўғрисидаги қонунга бир қанча муҳим ўзгартишлар киритишни таклиф этди, иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси А. Йўлдошев ўз маърузасида гаров тўғрисидаги қонунга муҳим ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш зарурлигини асослаб берди.

Шу тўрт ҳужжат лойиҳасини муҳокама қилишда Фарғона вилояти, Боғдод тумани ҳокими А. Абдусаматов, «Хоразмсувқурилиш» трестининг бошқарувчиси Ю. Худойберганов, Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа тумани ҳокими А. Тожиев, Самарқанд вилояти Иштихон тумани ҳокими С. Муродов, Навоий вилояти Томди тумани ҳокими А. Назаров, Бухоро вилояти Вобкент тумани ҳокими М. Эсонов, Ўзбекистон халқ-демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгашининг биринчи котиби Ф. Омонов, Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани ҳокими К. Холдоров, Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги «Олтинкўл» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси К. Иззатиллаев, Фарғона вилояти Бувайда тумани ҳокими О. Назаров, Тошкент вилояти Чиноз тумани Амир Темур номидаги фермерлар уюшмаси раиси Т. Ботиров, Андижон вилояти Избоскан тумани ҳокими С. Бегалиев, Самарқанд вилояти Ургут тумани Алишер Навоий номидаги халқ корпорацияси раиси А. Зиёев, «Интер-Осиё» корпорацияси бошқаруви раиси К. Йўлдошев иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов муҳокама қилинаётган ҳужжатлар лойиҳаларига бир қанча жиддий қўшимчалар киритишни таклиф этди.

Депутатлар қишлоқ хўжалик корхоналари санацияси тўғрисидаги қонунни қабул қилдилар, Ер кодекси лойиҳасини пухталаштириш, бошқа бир қанча қонунларга ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқишни тегишли вазирликлар ва идораларда, парламент қўмиталарида давом эттириш ва уларни кўриб чиқиш учун навбатдаги сессияга тақдим этиш тўғрисида қарор қилдилар.

Сўнгра депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилги давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқдилар. Молия вазири Ж. Сайфиддинов маъруза қилди. Олий Мажлиснинг бюджет, банк ва молия масалалари бўйича қўмитасининг раиси А. Аҳадов қўшимча маъруза қилди. Бу ҳужжатни муҳокама қилишда Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани ҳокими М. Эгамова, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бош директори В. Сигедин, Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани ҳокими У. Хўжаназаров, Сирдарё вилояти Ховос тумани ҳокими Р. Турдиев, Ўзбекистон халқ-демократик партияси марказий кенгашининг биринчи котиби А. Жалолов, Олий Мажлис иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси А. Йўлдошев иштирок этди. Муҳокамадан сўнг депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилги давлат бюджетини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси ўз ишини давом эттиради.

РАМАЗОНИ ШАРИФ МУБОРАК!

Инонмоқ инсонга хос энг гўзал, энг теран фазилатдир. Бу туйғунинг энг юксаги динга эътиқоддир. Чунки дин фитрийдир. У инсоният билан туғилгандир ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолажакдир. Дунёда дини-ишончи бўлмаган миллат йўқдир. Энг тўғри дин — Аллоҳнинг хушнуд бўлган дини исломдир. У яратганнинг элчилари томонидан одамзодга ўргатилган умумий бир диндир.

Ислом мусулмонликдир. Мусулмонликдаги шаърий амаллардан бири яратганга қилинадиган ибодатдир. Бу тоат-ибодатлар Аллоҳдан ўзга тангри йўқлигига ва Муҳаммад унинг элчиси эканлигига имон келтириш, ҳар куни беш вақт намоз ўқиш, рамазон ойида рўза тутиш, йилда бир марта закот бериш, қодир бўлса умрида бир марта ҳажга боришдан иборатдир. Баралла айтиш мумкинки, мустақиллик мўмин-мусулмонлар учун кенг имкониятлар берди. Юртимизда диний эътиқод эркинлиги қонун йўли билан мустаҳкамланди. Жумҳуриятимиз раҳбариятининг ташаббуси билан Рамазон ва Қурбон ҳайитлари кенг нишонланадиган бўлди. Ҳаж сафарига чиқувчилар учун шарт-шароитлар яратилди.

Бугун эса биз яна бир улуғ айём — Моҳи Рамазон арафасида турибмиз. Бу ойда рўза тутмоқлик гуноҳлар учун каффоратдир, инсонни нафсоний-шаҳвоний, руҳий-маънавий, ахлоқий-тарбиявий жиҳатлардан тобловчи, иймон-эътиқодини баҳоловчи имтиҳондир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ: «Рўзадор мени деб еб-ичмас ва мени деб рўза тутар, бинобарин унинг мукофотини ўзим берғайдурмен ва ҳар бир яхшилиғи эвазиға мендан ўн баробар мукофот олгусидир», — дейди. Пайғамбаримиз эса: «Ҳар нарсанинг ўз закоти бор, рўза тан закотидир», — дея таъкидлагандир.

Зеро Рамазони шариф одамзод яна бир бор ҳақни танишга, инсонийликни улуғлашга интиладиган палладир, иймонёрлар йил бўйи, умр бўйи соғиниб яшайдиган муборак ойдир.

Моҳи Рамазон барчамизга қутлуғ бўлсин!

КУЛЛИКНИНГ ОЗОД ИНСОНИ 4-бет

АСРИ САОДАТ САБОҚЛАРИ 6-бет

«СЎНГСИЗ КЕЧАЛАР»ДАН СЎНГ...

Биз анчадан бери саҳна асарларидан ҳаяжонланмай қўйгандик. Оддий томоша, ўша таниш қиёфалар, ўша ҳолатлар. Қарсаклар, деярли расмиятга айланган қутловлару табриклар ва ҳоказо, ва ҳоказо.

Бироқ, саҳна, театр, эскичада айтганда, театрунинг ҳам барча соҳалардаги каби ўзининг юлдузли — нурафшон онлари билан, кундалик — одатий, ҳеч кимга билинмайдиган сокин ойлари, йиллари бўлади.

Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрининг мўътабар саҳнаси бундай мунаввар оқшомларни кўп маротаба бошдан кечирган. Шундай нурли, нурафшон дамларнинг навбатдагиси куни-кеча Усмон Азимнинг «Сўнгсиз кечалар» асарининг тақдимот-томошаси ила рўй берди.

Асар ўзбек халқининг оташин фарзанди, эрк ва ҳуррият, Ватан озодлиги сингари муқаддас туйғулар йўлида жувонмарг бўлган улуғ шоир Абдулҳамид Сулаймон Чўлпоннинг сотқинликлару хиёнатлар, мунофиқликлару адоватлар иск анжасида ўтган ғоят оғир ва машаққатли ҳаёти, қатағон йилларининг мушкул муҳити ҳақида ҳикоя қилади. Аниқроғи, театр актёрларининг маҳоратлари, ҳаракат-интилишлари, қолаверса, орзу-ниятлари орқали томошабинлар ҳукмига ҳавола этилади.

Кўпроқ шоир сифатида элга танилган Усмон Азимнинг бу саҳна асари (гарчи «Оқ шарпа», «Султон Халил» сингари драматик достонларини яхши билсакда)нинг амалдаги шаклу шамойили, яъни саҳналаштирилиши ёш режиссёр Валижон Умаровнинг муваффақияти десак, сўзимиз қуруқ чиқиб қолади.

Биз буни бир овоз билан, астойдил эътироф этмоқни истардик. Ва бул Ватанга, ҳуррият га, маънавият ва миллатга тааллуқли ҳар бир қалб бу саҳна асарини кўрмоғи лозим, деб орзу қилардик. Шоир Чўлпон (саҳнада Ўзбекистон халқ артисти М. Абдуқундузов тимсолида) ғоят ҳароратли ва ҳақ-қоний чиққан. Манзаралар, кўринишлар ваҳму хавотирли йилларнинг ваҳимасини бера олган. Саҳнадаги ўтли, қайғули, даҳшатли, қўрқинчли ва ёруғ ҳолатлар томошабинга кўчади, вужудни титратади, кўзларда ёш силқийди. Шоирнинг рафиқаси Солиҳа (актрисалар З. Ашурова ва Ш. Исмоиловалар)нинг қисматидан, меҳру шафқатидан қалблар мунгга чулғанади. Саҳна осмонидаги ёлғиз ёркин юлдуз ва юлдузчалар, юзаётган булутларнинг эзгинлиги ғоят жозиб ва орзиқтирувчи. Бу кўринишлар, бу оғриқли кечалар давомида янграган дардли ва сериштироб мусиқа (бастакор Анваржон Эргашев) асарнинг таъсир кучини, ижобий маънода янада даҳшатли чиқишини таъминлаган. Соқов, тилсиз-забонсиз, лекин ҳар нарсага фаҳму фаросати етувчи девона (артист Фарҳод Абдуллаев)ни режиссёрнинг ҳақиқий кашфиёти дейиш мумкин. Файзулла Хўжаев (артист Ҳ. Комилов), домла Абдурауф Фитрат (артистлар Ғ. Ҳожиев, М. Исмоилов), Боту (артист У. Тиллаев), НКВД зобити (артист Ҳожиакбар Нурматов)ларнинг саҳнадаги рафторлари ҳам маромида. Ботунинг дардли, аянчли ҳолатлари кишини ҳаяжонга солади. Жузъий камчиликлар, нуқсонлар (масалан, декорацияларнинг ҳаракатсизлиги, шеърлар ижросидаги баъзи хатолар, Фитрат домланинг қуюқ сочлари) ушбу асарни саҳнага олиб чиққан муаллифу режиссёр ва санъаткорларнинг ўзиники, буларни тўгриласа бўлади...

«Сўнгсиз кечалар». Саҳнада ҳеч қачон тонг отмайдигандек бир ҳолат. Бироқ тонг отади. Саҳна ичкарисида ҳаводан тушиб келган оқ-оппоқ экранда мустақиллигимизнинг мунаввар онлари акс этган ёркин лаҳзалар тимсолида отган тонг, элимизнинг Чўлпон сингари фарзандлари бекорга қурбон бўлмаганлигини яна бир карра таъкидлайди. Отган тонгингиз, оқ-оппоқ тонгингиз қутлуғ бўлсин, Чўлпон бобо!

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК ЗАМИНИ

ЎЗАРО ТЕНГ МАНФААТЛАР АСОСИДА ИШ ЮРИТИШДИР

Ўтаётган йилнинг ҳар бир куни қутлуғ тарих. XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида ўз истиқлолига, ҳурриятига, истиқболига эришган она Ўзбекистон бу тарихнинг ҳар лаҳзасини боболардан мерос шаъни ва шавкатига лойиқ буюк воқеалар ила безаётир. Бугун биз бу тарихнинг якунланаётган йил охиридаги бир саҳифасигагина тўхталмоқчимиз. 22—23 декабр кунлари Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Виктор Черномирдин амалий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб берган амалий учрашув натижалари ниҳоятда самарали бўлди. Мамлакатлар расмий делегацияларининг музокараларида давлатлар ўртасидаги ҳудудлараро, савдо-иқтисодий алоқаларни рағбатлантириш, сармояларни ҳимоялаш, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш юзасидан илмий-техникавий ҳамкорликка доир долзарб масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада равнақ топтириш йўлида мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилганлиги ҳар икки томон учун катта имкониятдир. Узаро тенг манфаатлар асосидаги бундай ҳамкорликни илгари тасаввур ҳам этиб бўлмасди. Истиқлолга қадар собиқ империяга қарам бир минтақа сифатида қараб келинган юртимиз эндиликда фақат ўша империянинг меросхўри бўлмиш улкан мамлакат билангина эмас, жаҳоннинг истаган ривожланган давлати билан ҳам ана шундай тенг ҳуқуқли алоқалар ўрнатганлиги халқаро миқёсдаги нуфузимизга нуфуз қўшмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги Россия ҳам аввалги «ҳокими мутлақ» Россия эмас. Гарчи бу мамлакат тимсолида турли қарашдаги ижтимоий кучлар — асосан собиқ «ленинчи қизил большевик»лар билан демократик кайфиятдаги янги Россия тарафдорлари мафкуравий курашни ғоят кескин даражада олиб бораётган бўлсалар-да, ҳар нечук ҳозир бу мамлакатда тараққийпарвар кучларнинг қўли баланд келиб турибди. Бу кураш йўлининг сабоқлари бутун жаҳон афкор оммаси томонидан зўр эътибор ила кузатилиб, баҳоланиб турган бир вазиятда Россия билан жаҳонда эътироф этилган ҳалқаро ҳуқуқ мезонларига мувофиқ ўзаро манфаатли муносабатлар кенг йўлга қўйилиши ҳар жиҳатдан маъсулиятли ва истиқболлидир. Чунки Россия бизнинг яқин қўшниларимиздан биридир.

Бу ўринда яна шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистоннинг Транскавказ йўли орқали қатор Европа мамлакатлари, шунингдек Эрон, Туркия ва Хитой орқали жаҳоннинг истаган мамлакати билан ўзаро иқтисодий алоқаларни кенг миқёсда йўлга қўяётганлиги Россиянинг ўзида ҳам Ўзбекистон билан алоқаларни кучайтиришга катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу қизиқишнинг амалий исботи мамлакатлар расмий делегацияларининг музокаралари чоғида ҳам яққол намоён бўлди. Ҳозир россиялик ишбилармонлар Ўзбекистон автомобил саноати ривожига катта аҳамият бермоқдалар. Россияда «УзДЭУ-авто» машиналарини сотиш маркази тез орада иш бошлаши айтилди. Ҳар икки мамлакат бозорида тадбиркорларнинг иштирокини кенгайтириш, хусусан сармоядорлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар миқдорини янада кўпайтириш иқтисодий муносабатларнинг накд самараларига кенг йўл очади.

Музокаралар сўнггида имзоланган ҳужжатлар ҳар икки мамлакат равнақи учун амалий аҳамиятга эга бўлди. Россия ҳукумати раҳбари макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистонда Россияга нисбатан кўпроқ натижалар қўлга киритилганлигини алоҳида таъкидлади. Бу қудратли ва улуғ Россиянинг эътирофидир. Бундай эътироф, гарчи биз учун унчалик янгилик бўлмаса-да, Ўзбекистон ўз келажаги пойдеворини мустаҳкам қилиб қураётганидан далолатдир.

Халқимиз ўз келажаги пойдеворини узоқни кўзлаб қураётир. Узоқни кўзлаган, ўз кучига ишонган, улуғ боболари шавкатидан қудрат олган юртнинг юзи доим ёруғдир.

Мурод АБДУЛЛАЕВ

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан буюк олим Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги кенг нишонланади. Улуғ ватандошимиз, жаҳон фани тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган қомусий олим Аҳмад ал-Фарғоний номи ва илмий фаолиятини тарғиб ва ташвиқ қилиш, элга таништириш мақсадида, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бадиий баркамол назмий ва насрий асарларга

ТАНЛОВ эълон қилади.

Асарларда Аҳмад ал-Фарғонийнинг инсон сифатидаги қиёфаси, олимлик салоҳияти, аниқ фанлар ривожига қўшган ҳиссаси жонли ва ёркин акс эттирилиши керак.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган асарлар икки нусхада оққа кўчирилган холда танлов ҳайъатига тақдим этилади.

Танлов ҳайъати таркиби Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раҳбарияти томонидан тасдиқланади.

Танлов ғолиблари учун мукофотлар қуйидагича белгиланган.

1 та биринчи мукофот — 80 минг сўм
1 та иккинчи мукофот — 40 минг сўм
1 та учинчи мукофот — 30 минг сўм

Асарлар 1998 йилнинг 1 сентябрига қадар қабул қилинади. Танлов ғолибларига мукофотлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаоллар йигилишида тантанали равишда топширилади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Жавоҳарлаъл Неру кўчаси, 1-уй. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Аҳмад ал-Фарғоний ҳаёти ва илмий фаолияти ёритилган бадиий асарларнинг танлов ҳайъати.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

Буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллигини нишонлаш тўғрисида

Туркистон миниатюра мактабининг асосчиси, буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод бетакрор ижодий меросини халқимизга тўла етказиш, ёш авлодни халқимиз маданияти тарихи билан ғурурланиш ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга зарур шарт-шароит яратиш ҳамда буюк мусаввир таваллудининг 545 йиллигини кенг нишонлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Бадиий академияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият ишлари вазирлиги, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ва ижодий зиёлиларнинг 2000 йилда буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллигини кенг нишонлаш ҳамда Тошкент шаҳрида Камолиддин Беҳзод номида Мемориал боғ барпо этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Камолиддин Беҳзод Мемориал боғи Тошкент шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 40-бинога туташ хиёбонда барпо этилсин.

3. Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасининг таркиби тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита бир ой муддатда юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқиб тасдиқласин ва унинг ижросини таъминласин.

4. Ўзбекистон Бадиий академияси Камолиддин Беҳзод Мемориал боғини барпо этиш учун лойиҳалаштириш ва қурилиш бўйича буюртмачи этиб тайинлансин.

Лойиҳаловчи ва бош пудратчи танлов /тендер/ асосида танлаб олинсин.

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги Камолиддин Беҳзод Мемориал боғини барпо этишни 1999-2000 йиллар инвестиция давлат дастурига киритсинлар ҳамда Ўзбекистон Бадиий академиясига 1998 йилда танлов ва лойиҳалаштириш ишлари учун марказлаштирилган маблағ ажратсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Камолиддин Беҳзод ва унинг издошлари ижодини ўрганиш, меросларига оид ашёларни тўплаш мақсадида чет элларга борувчи илмий экспедицияларни ташкил этишга амалий ёрдам кўрсатсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Камолиддин Беҳзод юбилейини кенг нишонлаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиб, амалга оширсинлар.

7. Оммавий ахборот воситаларига Камолиддин Беҳзод юбилейига тайёргарлик кўриш ишларининг боришини кенг ёритиш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1997 йил 23 декабрь

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ

БУХОРО ЖАННАТНИНГ БИР БЎЛАГИДИР

Халқимизда маънавиятнинг туб моҳиятини билиш иштиёқи кучайди. Турмушда — кўча-кўйларда, оддий ва жиддий суҳбатларда, илмий анжуманларда, мухбирлар билан бўлган мулоқотларда, китобхон, томошабин ва тингловчилар томонидан йўлланган мактубларда «Хўш, маънавиятнинг ўзи нима?» деган саволга тез-тез дуч келасиз. Кейин баҳоли қудрат тушунтиришга киришасиз: «Маънавият дегани — бу...» Бироқ жавоб кутаётган тараф жавобингиздан қониқиш ҳосил қилмаётганини илғаб қоласиз. Назарингизда «Соддагина қилиб, бир оғиз сўз билан ифодаланг, ахир, тушуниб етайлик-да» деган эътироз бўлаётгандек туюлади. Шундай ғойибона эътирозларга жавоб ўлароқ бизда бундай фикр туғилди: «Маънавият — бу маънавиятсизликнинг, яъни бемаъниликнинг аксидир. Маънавиятни ифодалаш учун маънавиятсизликни кўрсатиб бериш шарт экан. Бунинг учун эса қиёс керак». Энди ушбу мақоламизда Президент Ислом Каримовнинг Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқидан келиб чиққан ҳолда Бухоро тарихига оид бир неча воқеа, ҳодиса ва далилларни бир-бирига қиёс этиб, сўз юритсак.

Юртимиз сиёсий тутқинликка тушгач, чоризм маъмурияти VIII аср бошларидан амалда бўлган вақф тизимини иложи борича чеклаган бўлса, шўро ҳукумати уни умуман барбод этди. Натижада осори атиқалар доимий моддий таъминотсиз қолди, умумий ва жорий таъмирлаб туришлар, қайта тиклашлар тўхтатилди. Минг йиллик моддий-маданий ёдгорликлар қаровсиз қолиб, нурай бошлади. Айниқса, 1917 йилдан то ўттизинчи йилларнинг бошларигача давом этган миллий озодлик учун бўлган жангларда халқимиз қанчалик талофат кўрган бўлса, моддий-маданий ёдгорликларимиз бошига тушган йўқотишлар ҳам бундан кам эмас. Лекин сиёсий жилови Москванинг қўлида бўлган республикамизнинг ўша пайтдаги ҳукумати нураш жараёнларига томошабин бўлиб туришдан нарига ўтолмади, ўтолмасди ҳам. Чунончи, моддий-маданий ёдгорликлар кун сайин нураб бораётганлиги масаласи Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Советининг 1931 йил 19 январида бўлиб ўтган йиғилишида кўрилганида вилоятлар ижроия комитетларига тарихий ёдгорликларни таъмир этиш эмас, балки суратга тушириб қўйиш тавсия этилади. Бу тавсия амалда обидалардан воз кечишни буюрарди. Бундай муносабат маънавиятсизликдан бошқа нарса эмас эди.

Ёки бўлмаса, Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг 1939 йилнинг 19 мартида қабул қилган 340-қарорида, жумладан, бундай дейилган эди:

1. Бухоронинг Қарши, Имом, Самарқанд, Салоҳхона, Шергирон, Мозор дарвозалари ва уларга туташ бўлган девори давлат муҳофазасидан чиқарилиб, шаҳар шўроси ихтиёрига топширилсин.

2. ...Тоқи Саррафон (1-гумбаз) давлат муҳофазасидан чиқарилсин.

3. ...Кўкалдош мадрасаси давлат муҳофазасидан олиниб, шаҳар шўролари ихтиёрига топширилсин.

8. ...Гавкушон мадрасаси... Калобод мадрасаси давлат муҳофазасидан олиниб, шаҳар шўролари ихтиёрига топширилсин.

Бу машъум қарорга 20 йил мобайнида Ўзбекистон оқсоқоли бўлиб турган, Парламент раиси ҳисобланган Йўлдош Охунбобоев имзо чеккан! Марказнинг йўл-йўриғида бўлган бу «раҳбар»нинг битта имзоси бебаҳо ва қайтарилмас осори-атиқалар тақдирини ҳал қилган-қўйган, ёдгорликларимиз қисматини манқурт шўролар ихтиёрига топширган. Улар эса «тарихий ёдгорлик сифатида аҳамиятини йўқотганлиги учун» деган важ билан, «таъмирлашга маблағ етишмайди» деган сохта сабабни рўкач қилиб, қанчадан-қанча осори-атиқаларни буздириб ташлашган. Лекин қонхўр босқинчи М. Фрунзега ҳайкал ўрнатиш учун маблағни аямаганлар. Қилт этмай, мағрур турган ёдгорликлардан эса бошқа мақсадларда фойдаланганлар. Масалан, Абдуллахон II қурдирган Қўш мадрасаси сўққабошлар учун ётоқхонага, «Ситораи моҳи хосса» руҳий касалликлар шифохонаси (жиннихона)га айлантирилган, бу муҳташам саройдаги бутун мол-мулк, зеб-зийнат буюмлар рус императорларининг қишки саройи — Эрмитажга олиб кетилган. Ўтмиш моддий-маданий ёдгорликларига бундай муносабат маънавиятсизликдан бошқа нарса эмас.

Юқорида тилга олинган икки қарор ва уларнинг оқибатида келиб чиққан манзара билан истиқлолга эришган республикамиз ҳукуматининг ўтган йили қабул қилган Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейларини ўтказиш ҳақидаги қарорларини қиёслаб кўрсак, уларни амалга ошириш бўйича қилинган ишларни назарга олсак ва, ниҳоят, ушбу шаҳарларнинг бу йил ўтказилган юбилейларини кўз олдимизга келтирсак, маънавиятсизлик нима-ю, маънавиятга дахлдорлик нима эканини чуқурроқ идрок эта оламиз.

Президент Бухорода сўзлаган нутқида алоҳида уқтириб ўтдики, тарихимизни чалғитиб кўрсатишга, ёлғон гапларни кўтаришга ҳаракат қилаётганлар тўғри баҳосини олишлари керак, бу борада «тарихий ҳақиқатни билиш, уни муҳрлаш, ёш авлодга холисона етказиш чуқур маънога эга». Энди сўз шу ҳақда боради.

Шарқ эллари орасида «Ўзбек бойиса иморат қуради» деган нақл бор. Бу чин гап. Бунга олис ва яқин ўтмишдан ҳам, ҳозирги кунларимиздан ҳам минглаб мисоллар келтириш мумкин. Юртимиздаги барча кўҳна ва навқирон шаҳарлар, катта-кичик қишлоқлар бу фикрнинг далилидир. Ўзбек иморатсозлигининг ўзига хос ва нодир фазилатларидан бири шуки, унда эъзозланаётган туйғу ўзининг такрорланмас ва энг юксак чўққисини топади. Олам олам бўлиб, одам одам бўлиб, ҳали ҳеч бир шоир ва мутафаккир Аҳмад Яссавийдек улкан ва буюк мақбара билан қадрланмаган бўлса керак. Бу мақбара Амир Темур томонидан умрининг охирларида Ясси, ҳозирги Туркистон шаҳрида қурилган обидадир. Инсоният ишқу вафо, садоқату хотира туйғуларига ошно бўлганидан бери ҳали ҳеч ким суюкли рафиқа Мумтоз Маҳалдек вафотидан кейин ҳам севимли ёри томонидан садоқат рамзи бўлмиш назири йўқ ёдгорликка муносиб кўрилмаган бўлса керак. Бу Бобур авлодларидан бўлмиш Шоҳ Жаҳон қурдирган ўша Тож Маҳалдир.

Халқимиз хаёлидаги доимий ва мангу туйғулардан бири иморат қуришдир. Бунинг маънавиятга оид томони шундаки, одам ўзи обод қилган тупроққа илдиз отиб, қаттиқ ўрнашиб қолади. Бу охир оқибатда ўзи бунёд этган нарсаларни ҳимоя қилиш, юртини сақлаш — ватанпарварликни келтириб чиқаради ва ўстиради. Милодий XIV асрнинг биринчи ярмида яшаб, ижод этган машҳур араб сайёҳи Ибн Батута ва унинг замондоши ал-Умарий ҳам аждодларимизнинг шу фазилатларини кўкка кўтариб мақташган. Масалан, ал-Умарий «туркистонлик давлатманд ва ўзига тўқ кишилар ўз пулларини асосан мадрасалар, работлар, йўллар қуришга, вақфлар белгилашга сарфлайдилар», деб ёзади.

Ўзбек халқининг тарихи ёзма манбалар билан бир қаторда осори-атиқаларимизда ҳам муҳрланиб қолган. Китоблар ўқиладиган далиллар бўлса, ёдгорликлар кўриладиган далиллардир. Осори-атиқалар тарихини билиш ўтмишимиз ҳақидаги таассуротларимизни бойитади ва аниқлаштиради. Халқни тарихий моддий-маданий меросни ўрганиш билан тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ҳар бир катта-кичик ёдгорлик ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихидаги муҳим бир воқеа ёки сана билан боғлиқ, ёки бўлмаса давлат аҳамиятига молик бирор зарурат туфайли бунёд этилган. Бу фикримизнинг исботи учун Бухорои шарифда уч даврда — XII, XVI ва XX асрларда қурилган учта ёдгорликни мисол қилиб келтирамиз. Булар яхлит, бир меъморий мажмуани ташкил этувчи ҳозирги кунда Улуғ минор (Минораи Калон) деб юритилиб турган Арслонхон минораси, Жоме масжид, Мир Араб ва Саидолим мадрасаларидир. Бу муқаддас ер аслида тарихий жой ҳисобланиб, Бухоро Аркидан сал жанубий шарқдадир. Илк бор бу ерда милодий 713 йили амир Қутайба ибн Муслим даврида жоме масжид қурилган. Бироқ йиллар ўтиши билан бу бино вайрона ҳолига келган. Қорахоний Арслонхон 1121 йили худди шу вайрона масжид ўрнида янги ва улуғвор жоме масжидини қурдиради. Бухоро атрофидаги сувсиз саҳроларда карвонлар йўлдан адашиб ҳалок бўлиши ҳоллари учраб турарди. Шунинг олдини олиш мақсадида Арслонхон шаҳарда баланд бир иншоот қурдиришни ният қилади. Иншоот лойиҳалари бўйича танлов эълон қилинади. 1124 йили машҳур меъморлар томонидан тақдим этилган лойиҳалар билан Арслонхон шахсан ўзи танишади ва уста Бақонинг лойиҳасини маъқуллайди. Шу тариқа 1124 йилнинг 21 март куни — йилбоши байрам айёмида минора қурилишига оқ фотиҳа берилади ва биринчи ғиштни — тамал тошини ҳоқон Арслонхоннинг ўзи қўяди. Қурилиш уч ярим йилча давом этади. 1127 йили баландлиги 47 ярим метр бўлган минора қуриб битказилади. Унинг энг юқори қисмида 16 та дарчалар (яъни мезана қисмида) қўйилиб, тунда ҳамма дарчалар ёнида шамчироқлар ёниб турган. Натижада тунлари 50-60 чақирим масофадан чироқлар ёруғини мўлжал билиб, савдо карвонлари Бухорога адашмай келганлар. Бухоронинг Буюк ипак йўлидаги йирик савдо марказларидан бири бўлиб қолишида бу миноранинг аҳамияти каттадир.



Албатта, миноранинг асосий вазифаси азон айтиш — диний аҳамиятидир. Минора билан ёнма-ён жойлашган бош жоме масжиднинг муаззини ҳар кун беш маротаба шу минорага чиқиб азон айтган. Шундан кейин шаҳардаги бошқа масжидларда азон айтила бошланган,намозхонлар ибодатга ошиққанлар.

Миноранинг яна бир вазифаси шуки, ташқи ҳужумдан ўз пайтида огоҳ бўлиш учун дурбин орқали теварак-атроф кузатиб турилган, яъни ҳарбий аҳамиятга ҳам эга бўлган.

Миноранинг тўртинчи вазифаси салобати, гўзаллиги, ажойиб нақшларга бойлиги билан кишиларга завқ-шавқ бағишлашидир. У айниқса чет элликлар — элчилар, савдогарлар, сайёҳларни ҳам мафтун этган. Бу ҳол ўз навбатида давлатнинг куч-қудрати, шукуҳи ва шавкатини, пойтахт Бухоронинг донғини олис-олисларга етказарди.

Шарқдаги биринчи Уйғониш даврида, яъни IX—XII асрларда Бухорода ҳам кўпгина буюк обидалар қурилган эди. Уста Бақо шу обидалардаги энг гўзал нақшлардан кўчирма олиб, минорада 24 та катта-кичик ҳалқалар яратган. Асосан Чингизхон босқини даврида, қисман кейинги асрларда бузилиб кетиб, бизгача етиб келмаган биноларнинг нақшлари шу минорадагина сақланиб қолган. Шу боис бу минорани Бухоро меъморчилигининг қомуси дейиш мумкин. Шуниси алоҳида тарихий аҳамиятга эгаки, миноранинг энг юқориги ҳалқаларидан бирида нақшли ғиштлар билан бўртма қилиб «Уста Бақо амали», «Арслонхон минораси» деган сўзлар ёзилган. Бинобарин, Улуғ минорнинг асл номи Арслонхон минорасидир. То шўролар замонигача барча ёзма манбаларда ҳам шундай деб тилга олинган.

Арслонхон минораси не-не тарихий воқеаларнинг, қанчадан-қанча синоатларнинг, табиий офатларнинг, жангу жадалларининг гувоҳи бўлмади, дейсиз. У ҳатто 1220 йилги Чингиз босқинидан ҳам омон чиққан эди. Бироқ орадан роса 700 йил ўтгач, 1920 йилнинг 1 сентябрида босқинчи Фрунзе буйруғига кўра қилинган бомбардимон натижасида минора қаттиқ зарар кўрди: ёдгорликнинг 5, 16, 33, 40, 46 метрларига снарядлар келиб урилган эди. Кейинчалик у уста Абдуқодир Боқиев томонидан моҳирона таъмирланган бўлса-да, синчков кўз, ўткир нигоҳ билан қаралса, ўша жароҳатларнинг изларини илғаш мумкин.

870 яшар кўҳна Арслонхон минораси Бухорои шарифнинг рамзи бўлиб, халқимиз, давлатчилигимиз ва маданиятимизнинг шукуҳи бўлиб ҳали яна минг йиллар қад кўтариб туражак.

Энди сўз Мир Араб мадрасаси ҳақида боради. Мир Араб — тарихий шахс Абдулла Сабронийнинг тахаллусидир. Тарихчи Ҳофизи Танишнинг ёзишича, Мир Араб Тошкентдан шимолроқда жойлашган Саброн шаҳрида камол топади, етук уламо бўлиб етишади.

Бу даврда — 1500 йилдан бошлаб — Туркистонда Шайбонийлар ҳокимият тепасида эдилар. Мир Араб бу сулола вакилларидан Убайдуллахон

ТАРИХ ВА ТАҚДИР

ибн Маҳмуд Султон билан жуда қадрдон бўлган. Бундай яқинликка Убайдуллахоннинг ҳам ўқимишли, билимдон, таниқли шоир бўлганлиги, «Убайдий», «Убайдулло», «Қул Убайдий» тахаллуслари билан ғазал, рубоий ва маснавий ҳамда бошқа адабий жанрларда асарлар яратгани, форс, араб тилларида ҳам ижод этганлиги, «Ғайратнома», «Шавқнома», «Китоб ус-салот» каби маснавий йўлида насиҳатнома-рисолалар яратганлиги боис бўлган бўлса ажаб эмас. Унинг бизгача етиб келган битта куллиёти Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланмоқда.

Убайдуллахоннинг отаси Маҳмуд Султон Муҳаммад Шайбонийхон даврида Бухоро ҳокими эди. Шайбонийхон ҳалок бўлгач, Убайдуллахон 23 йил давомида хон ноиби сифатида мамлакат ҳаётида катта ўрин тутади. 1533 йилдан бошлаб хонлик мансабини эгаллайди, пойтахтни 1530 йили, ҳали Убайдуллахон хон ноиби бўлиб турган бир пайтда унинг учун ҳам, ҳамфикр дўсти Мир Араб учун ҳам оғир бир имтиҳондан ўтишга тўғри келади. 1530 йили Сафавийларнинг катта қўшини мамлакатимизга бостириб кириб, то Ғиждувонгача етиб келади. Эл-юрт таҳлика остида қолади. Убайдуллахон ўз қўшини билан душманга қарши чиқади. Биринчи тўқнашув жанг тақдирини ҳал қила олмайди. Убайдуллахон қўшини кам сонли бўлиб, шу туфайли унинг қўли баланд келиши амри маҳол эди, лашкар орасида тушкунлик, парокандалик юз бера бошлайди. Ана шу Мир Араб ҳазратлари қўшин қошида шундай ўтли бир нутқ ирод этадики, бундан Убайдуллохон лашкари ўта мутаассир бўлади, руҳи кўтарилади, жанговарлиги кучаяди ва ўша хуфтондаёқ тунги ҳужумга ўтиб, душман устидан ғалаба қозонади. Туркистоннинг мустақиллиги, халқимизнинг эрки, дину диёнати сақланиб қолади. Убайдуллахон бу ғалабани унинг маънавий илҳомчиси Мир Арабга бағишлайди, жангдан жуда кўп ўлжалар тушган эди, буларни ҳам Мир Арабга иъном этиб, шу маблағ ҳисобига ушбу катта ғалабани абадийлаштириш мақсадида Арслонхон минораси ва жоме масжид қаршисида янги мадраса қуриш ҳақида фармон чиқаради. Бу — ҳозирги Мир Араб мадрасасидир.

Мадраса қурилиши ўша йилиёқ, яъни 1530 йилдан бошлаб юборилади. Қурилишда халқимизнинг турли қатламлари, савобталаб ҳунармандлардан тортиб толиби илмларгача, ўша жангда қатнашган ғолиблардан тортиб руҳонийларгача қатнашадилар, чунки қул бўлиб қолиш хавфидан қутулиш истаги шундай ҳимматни, шундай шукроналикни тақозо этарди. Мадраса қурилиши 6 йил давом этиб, 1536 йили битказилган. Шундан бери мадраса илм-маърифат ўчоғи бўлиб келаётир.

Азиз ўқувчи! Агар Бухорога бориб, Мир Араб мадрасасини зиёрат қилсангиз, ўша жанг оқшомини ва Мир Араб нутқини хаёлан бир эслаб кўринг. Мадрасага кираверишдаги чап томон хонақоҳига Убайдуллохон ва Мир Араб дафн этилган. Тўрда Мир Араб, оёқ томонда Убайдуллахон мангу уйқуда ётибдилар. Хон шундай васият қилган экан!

Энди сўз Бухоро амирлигининг сўнгги ҳукмдори амир Саидолим номи билан боғлиқ иморатлар хусусида.

Шўролар замонида чиқарилган китоблар ва матбуотда ўзбек давлатчилигини бошқарган сулолалар, айниқса, манғит сулолалари фаолиятидан фақат нуқсон қидириб, бўрттириб баён этиш урф бўлганди. Президент Бухорода сўзлаган нутқида бундай нохолисликка илк бор чек қўйиб, **«Ўтган икки ярим минг йил давомида ўзбек давлатчилигини бошқарган қадимий хоразмшоҳлар, кушонлар, эфталитлар, ашиналийлар, сомонийлар, қорахонийлар, ануштегинийлар, темурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар, манғитлар сулолалари тарихимизда, хусусан, Бухорои азимда ўзига яраша ном ва из қолдирдилар»,** деб тарихан тўғри баҳо берди. Шундай ўзига яраша ном ва из қолдирган тарихий шахслардан бири амир Саидолимдир. У замонаси ўта нотинч бўлишига қарамай Бухорода мадраса, петербурглик мусулмонларнинг илтимосига кўра у ерда улкан жоме масжид, Ялтада истироҳат-сарой қурдиришга улгурган. Шунингдек, отаси амир Абдулаҳад даврида қурилиши бошланган «Ситораи моҳи хосса» саройини охирига етказган. Ўқувчида, «Хўш, амир шундай мадраса, масжид ва саройларни қайси маблағ ҳисобидан қурдирган? Фуқаролардан олинган солиқлар ҳисобига қурдирган-да!» деган фикрлар пайдо бўлиши мумкин. Йўқ, ундай бўлмаган, солиқлардан келган тушум давлат хазинасига тушган. Амирнинг эса ўз ер-суви, мол-мулки бўлган, улардан келган даромад ўз хазинасига тушган. Амирлик хазинасининг кирим-чиқим дафтарлари бўлган. Шулардан бири билан 1972 йилнинг июл ойида Бухоро Арки музейининг сақловхонасида танишган эдим.

Ўша кирим-чиқим дафтарида амир хонадонининг кундалик сарфиёти меҳтар — кичик амалдор томонидан ёзилиб борган. Унда нондан тортиб ҳўл меваларгача, қандолатлик маҳсулотлари — ҳолва-ю новвоту пашмаккача, кийим-кечакдан тортиб упаэликкача қайд этиб қўйилган. Ҳаммаси ҳисоб-китобли бўлган. Аркда ўрта ҳисобда 3 минг атрофида киши яшаб, хизмат қилган. (Ҳозир Аркнинг 20 фоизи сақланиб қолган, 80 фоизи 1920 йилнинг сентябр ойида М. Фрунзе буйруғига кўра бомбардимон қилиниб, ёндириб юборилган). Амир хонадонининг сарфиёти давлат хазинасидан эмас, балки амирнинг ўз хусусий маблағидан ишлатилган. Бу тарихий маълумотларни келтиришдан мақсадимиз шуки, шўролар даврида тўқиб чиқарилган гўё «амирликда амир хазинаси билан давлат хазинаси умумий бўлган» деган сохта гапларга бироз бўлса-да аниқлик киритиш, ўз тарихимиз ҳақида тўғри таассурот беришдир. Бу борада юртбошимизнинг нутқида «Тарихини билмаганнинг келажаги йўқ» дейилади. «Бухоронинг бугунги қутлуғ айёми, энг аввало, ўтмишга эҳтиром ва буюк аждодларимиз хотирасига ҳурматимиз намойишидир» деб тўғри йўлланма берилгандир, уни амалга ошириш эса ҳаммамизнинг бурчимиздир. Шуни унутмайликки, шўро тузумининг Бухоро амирлигининг турли йўллар, ёлғон-яшиқлар билан» бадном қилишдан ғаразли мақсади — қандай бўлмасин ўзбек давлатчилигини камситиш орқали ўз ҳокимиятини улуғлаш, халқимизда миллий давлатчилик туйғусини сўндириш эди. Ёдгорликларни билиш, улар ким томонидан, қачон, нима муносабат билан ёки қайси воқеа шарафига ёки бўлмаса ким томонидан қайси сиймо хотирасини абадийлаштириш мақсадида қурилган, асли номи қандай аталган — мана шуларни аниқлаш зарурдир. Шу асосда ҳар бир бинонинг «таржимаи ҳоли» аниқланади, мазкур «таржимаи ҳол»лардан ўзбек меъморчилиги тарихи таркиб топади. Ўзбек меъморчилиги тарихи ўзбек халқи умумтарихининг олтин саҳифаларидан ҳисобланади. Бухоро осори-атиқалари эса бунда алоҳида ўрин эгаллайди. Моддий-маданий ёдгорликларимизда халқимизнинг заковати, салоҳияти, бунёдкорлиги билан бирга яратганини асрлар давомида сақлаб, ҳимоя қила олиш қобилияти ҳам ўз ифодасини топгандир. Ана шу қобилият бўлмаганда эдими, умуман бутун Туркистон миқёсидаги, хусусан, Бухородаги буюк обидалар бизнинг давримизгача етиб келмасди, албатта. Бундай қобилиятнинг ҳам асоси давлатчиликдир.

Юртбошимиз нутқида Бухоро воҳасида яшаган эрксевар аждодларимиз ҳар қандай истибдод ва зулмга қарамай, эл-юрт озодлиги йўлида муттасил қаҳрамонона курашиб келганларини сўзлар экан, Кармана, Вобкент, Шофиркон, Ромитан, Ғиждувон кентларини тилга олиб ўтади. Бу бежиз эмас, албатта. Бу кўҳна кентлар ҳар бирининг ўз бой тарихи бор, ёш жиҳатдан бири Бухорога оға бўлса, иккинчиси инидир. Бу кентлар тарихини билмай туриб, Бухоронинг умумий тарихини тўлиқ тассаввур қилиб бўлмайди.

Масалан, Кармана тарихини олиб кўрайлик. Агарда аштархонийлар замонида Балх шаҳри валиаҳд шаҳзоданинг қароргоҳи деб тайинланган, бир неча вилоятлардан иборат Балх ўлкаси унинг тасарруфида бўлса, манғитлар даврида Кармана шундай мақомга эга бўлган. Тахт вориси — валиаҳд шаҳзода то тахт соҳиби бўлгунга қадар Карманада ҳокимлик қилган. Ҳатто амир Абдулаҳад ҳукмронлик қилган 1885-1910 йилларда Кармана норасмий тарзда амирлик марказига айланган. Амир 13 йил давомида муттасил давлатни шу ердан туриб бошқарган. Пойтахт билан узлуксиз равишда — ҳар куни учқур отлиқ чопарлар орқали боғланиб турган. Шуниси қизиқарлики, бу давр мобайнида бош вазир мақомидаги лавозим эгаси қушбеги мудом Аркда бўлган, ижроия ҳокимиятини бошқарган. Манғит амирлари жорий қилган давлат қонун-қоидалари, тартиб-интизомга кўра амир пойтахтда бўлмаган кезларда қушбеги Аркда бўлиши шарт эди, ҳатто Арк дарвозасидан ташқари чиқиши ҳам мумкин эмасди.

Ўзбек давлатчилигида Бухоронинг аҳамияти ва мавқеи юқори бўлиб келган. Юртбошимиз нутқида ҳам айтилганидек, Бухорога туркий қабилалар асос солган, «энг қадимги миллий қаҳрамонларимиздан бўлган Алп Эртўнга (Афросиёб) ҳам айнан Бухорода дафн этилган». Алп Эртўнганинг ҳалок бўлиши санаси тарихий китобларда аниқ баён этилган. Бу воқеа милоддан аввалги 625 йилнинг кузида юз берган. Шу йилнинг кузида унинг вафотига 2623 йил тўлди. Демак, чиндан ҳам Бухоронинг тарихи буюк ва бойдир. Нутқда уқтириб ўтилганидек, **«Замонлар ўтар, йиллар, асрлар ўтади. Ҳеч шубҳа йўқки, фарзандларимиз, невараларимиз, келажак насллар, Бухорога, унинг қадим тарихига қайта-қайта мурожаат этадилар. Ватанимизни озод ва обод қилиш учун курашда курбон бўлганларни, мустақиллик иморати пойдеворига биринчи ғишт қўйган ота-боболарини сира унутмайдилар».**

Давлат тузумининг қандайлиги унинг умуман тарихига, хусусан, моддий-маданий ёдгорликларга бўлган муносабатида яққол кўринади. Сўнгги мустамлака замонида Бухорога бўлган муносабат маънавиятсизликдан иборат эди. Инқилоб баҳонасида шаҳар обидалари яна бир бор вайрон этилди, унинг асл фарзандлари бир неча марта, чунончи, 1920 йилда амирга яқин кишилар сифатида, 1929-1933 йилларда колхозлаштиришга қарши ёт унсурлар сифатида, 1937-1938 йилларда халқ душманлари, чет эл айғоқчилари, миллатчилар сифатида қатағон қилинди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, 1920 йил сентябр ойида М. Фрунзе қўлига тутқинликка тушиб қолган амир хонадони аъзолари унинг буйруғига кўра икки қисмга тақсимланиб, гўдак шаҳзодалар оналарининг иссиқ бағридан тортиб олиниб Россияга олиб кетилди, оналари, опа-сингиллари ва бошқа қари-қартанг кишилар мол-мулки тортиб олинган ҳолда мамлакатдан четга чиқариб юборилди. Бу ҳам «шўролар тузумининг қанчалик ғайриинсоний ва адолатсиз эканини кўрсатади».

Бухоро ва унинг аҳолиси бугунги кунда нимаики яхши нарсаларга эришаётган бўлса буларнинг бари истиқлолимиз шарофатидандир: «Истиқлол кўҳна Бухоро ҳаётига янги нафас олиб келди. Бухоро вилояти ва шаҳрида бугунги кунда замонавий саноат, қишлоқ хўжалиги, илм-фан, маданият ва санъат янги юксалиш йўлига кирди. Бухоро юртининг қиёфаси йилдан-йилга ўзгармоқда, янги шукуҳ топмоқда». Бу ўринда томчида қуёш акс этади, деганларидек, биргина мисол — Бухоро нефтни қайта ишлаш корхонасининг ишга тушгани дунё аҳли тарафидан муҳим воқеа сифатида эътироф этилганини эслатиб ўтиш билан чекланиш мумкин деб ўйлаймиз. Хуллас, буюк зотлар, қўли гул ҳунармандлар, миришкор бободеҳқонлар етишиб чиққан, таҳсил олган Бухорои шариф бундан буён ҳам илму фан, маърифат, ижод бешиги, яратувчан меҳнат макони бўлиб қолаверади. Зеро, маънавиятга эътибор буюк муваффақиятларга руҳлантиради ва эриштиради.

Мақоламизнинг сўнгида ўзбек иморатсозлигининг руҳий-илоҳий асоси ҳақида бир шингил сўз айтмоқчимиз. Муқаддас китобларда ёзилишича, Одам Ато ва Момо Ҳаво муайян муддат жаннатда яшагач, Ерга туширилганлар. Жаннатда кўрганлари: сўлим боғ-роғлар, зилол сувли ариқлар, гўзал иморатлар — кўшклар, қасрлар, саройлар озми-кўпми эсларида қолган, уларни қўмсаб Ерда ҳам ўшандай фирдавсмонанд боғ-роғлар, ҳаётбахш ариқлар, кўркам иморатлар қуришни орзу қилиб, кўнгилларига тугиб қўйганлар. Уларнинг бу ниятлари ирсият орқали зурриётларига ўтган, баъзи фарзандларига кўпроқ, баъзиларига эса камроқ, албатта. Демак тақдири азалда ўзбек халқига иморатсозлик салоҳияти, уқуви ва муҳаббати кўпроқ ато этилгани билан фахрлансак арзийди.

Ҳар сўзнинг боши ҳам, сўнгги ҳам маърифатуллоҳдир. Маърифатуллоҳ маънавиятнинг асосидир. Ана шундан айру тушмайлик, иншооллоҳ!

АЛЛОМАЛАР ТЎЙИГА ҲОЗИРЛИК

Ўтмишсиз келажак йўқ, деган гап бежиз айтилмаган. Зеро, қайсики халқ ўз тарихини яхши билса, аждодлари меросини пухта ўзлаштирса, унинг келажаги порлоқ бўлади, тараққиёт йўлига чиқиб олиши осон кечади. Шу боис жумҳуриятимиз раҳбарияти миллий ва умуминсоний қадриятларга жиддий эътибор қаратмоқда. Оммани қадим юртимиз кечмишини ўрганишга, ўлкамизда яшаб ижод этган, шу асно башарият ривожига муносиб улуш қўшган улуғ бобокалонларимиз фаолиятидан ҳар томонлама хабардор бўлишга даъват этмоқда.

Яқинда жумҳурият Вазирлар Маҳкамаси келаси кузда ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигини ҳамда буюк қомусий олим Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш юзасидан қарор қабул қилди. Шунга кўра айни пайтда ҳар иккала аллома номидаги жамғармаларни ташкил этиш, улар ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ зиёратгоҳларни таъмирлаш ва ободонлаштириш, янги меъморий мажмуалар, музейлар барпо этиш, илмий-амалий анжуманлар, ижодий учрашувлар ўтказиш, бадиий кўргазмалар очиш, илмий-оммабоп ва бадиий-публицистик, шунингдек, саҳна асарлари, филмлар яратиш, эшиттиришлар ва кўрсатувлар, эсдалик совғалари, ёдгорлик буюмлари, почта маркаси, хат жилдлар, тақвимлар, албомлар тайёрлаш каби ишларга ҳозирлик кўриш бошлаб юборилди.

Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғоний тўйларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмиталарининг шу йил 12 декабр куни Вазирлар Маҳкамасида бўлган мажлиси ана шу масалалар муҳокамасига бағишланди. Унда тегишли вазирликлар, ҳокимликлар, идора-муассасалар, уюшма ва концернлар раҳбарлари қатнашдилар. Мажлисни Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ушбу ташкилий қўмиталар раиси Исмоил Жўрабеков бошқарди. Кун тартиби бўйича Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари Фотиҳ Азимов, ЎзФА Президенти Тўхтамурод Жўраев, «Ўзбеккино» давлат ҳиссадорлик компанияси раиси Темурмалик Юнусов, Шарқшунослик институти директори Музаффар Хайруллаев, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим, ҳайкалтарош рассом Илҳом Жабборов ва бошқаларнинг ахборотлари тингланди. Йиғилиш аҳли кўрилган масалалар, жумладан, Аҳмад ал-Фарғонийнинг рамзий ҳайкали нусхаси, аллома тўйи муносабати билан Фарғона ва Қувада барпо этилажак тарихий обидалар, маданий-маиший мажмуалар лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг чет элларда сақланаётган қўлёзмаларини аниқлаб, улардан нусхалар олиш ва ўзбек тилида қайта чоп этиш ҳақидаги таклифни маъқулладилар. Бу халқимиз маънавий ва маданий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлажагини таъкидладилар.

Мажлисда Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев сўзга чиқди.

Мажлисда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари В.Норов, Р. Баҳодиров, Т. Рисқиев, Ў. Раҳматов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

Ўз ахборотимиз

ШОИР РУҲИГА ЭҲТИРОМ

Тошпўлат Ҳамид ўзбек адабиёти равнақига муносиб ҳисса қўшган истеъдодли шоирлардан эди. Унинг 10 га яқин достонлари, кўплаб шеърий мажмуалари бунинг ёрқин мисоли. Агар шоир ҳаёт бўлганида бу йил 70 ёшга тўларди. Афсуски, шафқатсиз ўлим шундай хассос адибни орамиздан бевақт олиб кетди...

Яқинда Бухоро Давлат университетида шоир таваллудига бағишлаб ўтказилган хотира кечасида ана шу туйғу такрор тилга олинди. Кечани профессор Эргаш Қиличев кириш сўзи билан очди. Шоирнинг шогирди, профессор Тожи Қораев Тошпўлат Ҳамид ҳаёти ва ижоди тўғрисида маъруза қилди.

Шундан сўнг олимлар Саиджон Алиев, Охунжон Сафаров, Илҳом Ғани, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раиси шоир Тошпўлат Аҳмад, Ибн Сино номидаги вилоят кутубхонаси бўлими мудири Б. Ўриновалар сўзга чиқиб, шоир ҳақидаги хотиралари, ижодининг бадиий хусусиятлари, унинг маънавият ва маорифни ривожлантиришга қўшган ҳиссаларини кенг талқин этдилар.

Талабалардан Д. Ҳаитова, М. Муродова, Ф. Ҳаётова, Л.Омонова, Г. Камолова, Д. Бобоевалар Тошпўлат Ҳамид шеърларидан намуналар айтиб беришди.

Бухоро Давлат университети, вилоят ёзувчилар уюшмаси ҳамда Ибн Сино номидаги кутубхона ҳамкорлигида ўтказилган ушбу хотира кечаси унинг қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Ўз ахборотимиз

МАРКАЗИЙ ОСИЁ САНЪАТИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Бадиий академияси қошидаги Санъатшунослик институтида Марказий Осиё санъати тарихий тараққиётининг ўзига хослиги масалаларига бағишланган иккинчи Халқаро илмий анжуман бўлди. Анжуманни институт директори, профессор Т. Ғофурбеков кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Ўзбекистон Бадиий академияси раиси, академик Т. Қўзиев сўзлади ҳамда анжуманнинг халқаро миқёсдаги аҳамиятига тўхталди.

Анжуман «Археология ва меъморчилик», «Тасвирий ва амалий санъат», «Мусиқа санъати», «Томоша санъатлари» (кино, театр ва телевидение) шўъбалари бўйича иш олиб борди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, конференция муҳарририятига юзга яқин маърузачилар ўз тезисларини топширгандилар. Улар орасида Франция, Германия, Иордания, Греция, Япония, Тожикистон, Ўзбекистон каби мамлакатларнинг тадқиқотчилари бор. Шунингдек, Тошкент, Самарқанд, Термиз ва бошқа шаҳарлардан ҳам олимлар иштирок этдилар.

Шуниси муҳимки, илмий анжуманда муҳокама қилинган Марказий Осиё санъати тарихини ўрганиш методологияси, маданий ёдгорликларни ўрганиш ва таъмирлаш муаммолари, тарихий метаморфозалар ва бадиий тараққиёт, Марказий Осиё санъатининг хорижий мамлакатлар маданияти, санъати билан алоқалари ҳамда ўзаро таъсири каби масалалар бугунги кунда кўпчилик тадқиқотчилар олдида турган долзарб вазифалардир.

Ушбу йўналишдаги анжуманларнинг ташкил этилиши Марказий Осиё санъати муаммоларини янада чуқурроқ ўрганишга олиб келиши шубҳасиз. Чунки бу каби анжуманларни анъанага айлантириш ҳамда унда иштирок этувчи олимлар доирасини кенгайтириш асосий мақсадлардан биридир.

Анжуман маърузачиларининг тезислари «Марказий Осиё санъати тарихий тараққиётининг ўзига хослиги» деган умумий номда тўплам қилиб нашр эттирилди.

Қамариддин ТИЛОВОВ, Абдураим АЛИМОВ

КОМИЛЛИК

Кутлаймиз!

Ҳиндистонда бобурийлар салтанати даврида барпо этилган ва ҳозирда ҳам фаолият кўрсатаётган машҳур Ислом диний академияси бор. Бу академиянинг барча ишлари бошданоёқ тўла ошкоралик асосига қурилган экан. Чунончи, академияни тугатиш имтиҳонлари вақтида кўпмингкишилик катта майдонга очиқ саҳна қилиниб, имтиҳондан ўтувчиларга исталган одам исталган саволни берар ва жавобларининг савиясига қараб, халойиқнинг ўзи баҳо қўяр экан. Таҳсил муддати ҳам турлича бўлиб, етти йиллик биринчи босқичдан сўнг олим унвони, тўққиз йиллик иккинчи босқичдан кейин фозил унвони ва энг оғир, энг мураккаб ўн бир йиллик учинчи босқични эл-юрт кўзи олдида қойилмақом қилиб тугатганларга комил унвони расмий равишда берилар экан. Шуниси борки, комил унвонига лойиқ одам ўша кўпмингкишилик анжуманда олимнинг ҳам, оминнинг ҳам саволларига бир хилда қаноатлантирадиган жавоб топиб, умумий таҳсинга сазовор бўлиши керак экан.

Эндиликда ҳам комил адабиётшунос, ҳам комил адиб, таржимон ва муҳаррирлик мақомига эришган Иброҳим Ғафуров ҳақида ўйлаганда ўша Ислом диний академияси имтиҳонлари беихтиёр ёдга келади ва Иброҳимжон ўн бир йиллик таҳсил имтиҳонидан эмас, балки қирқ йиллик суронли ҳаёт имтиҳонларидан бутун эл-юрт кўзи олдида муносиб равишда ўтганини ўйлаб қолади киши.

«Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати») ҳафтаномаси ташкил этилган 1956 йилда И. Ғафуров дорилфунунда эндигина ўқий бошлаган талаба эди. Ўша йиллярданоқ таҳририятга анвойи мавзулардаги хабар ва мақолалар олиб келар, истеъдод учқунлари чатнаб турган бу материалларнинг аксар қисми газета юзини кўрар эди. Таҳсилни тугатгач, бадиий адабиёт нашриётида муҳаррир сифатида иш бошлаган Иброҳимжон муҳаррирлик фаолиятидан ташқари танқидчилик ва таржима соҳаларига ҳам дадил аралашиб, тез орада катта-катта ишларга бемалол қўл урадиган ва ишларини кўпчиликка манзур қиладиган ижодкор сифатида танила бошлади: «Гўзалликнинг олмос қирралари» номли дастлабки китоби чоп этилган 1964 йилдаёқ Нозим Ҳикматнинг «Сурур» номли машҳур романини «Роман-газета»дан олиб таржима қилди. Тақдир тақозоси билан мен таржимага муҳаррирлик қилган эдим. Иброҳим Ғафуров таржимасидаги соф ўзбекча оҳанглардан ҳайратга тушиб, ўз мулоҳазамни нашриётнинг ўша вақтдаги бош муҳаррири, таниқли ёзувчи Ҳаким Назирга айтган эдим, у киши: «Асли қўяверасиз, 25 яшар йигит эмас, саксонни уриб қўйган чол бу. Сиз таржимасини айтяпсиз, мен у таҳрир қилган китобларда топган гаплардан баъзан ёқа ушлаб қоламан», деди. Шундан кейин И. Ғафуров яқинига боришга унча-мунча таржимонлар журъат этмайдиган маҳобатли асарлар таржимасига қўл урди. Масалан, Ф. Достоевскийни олайлик. Унинг романларини ўрта даражада тушуниб ўқийдиган зиёлиларнинг ўзи унча кўп эмас бизда. Иброҳимжон Достоевскийнинг «Жиноят ва жазо»сини ўзбекчалаштира бошлаганини эшитганда, бу соҳа мутахассислари ошкора равишда хавотирга тушган кунлар ҳали ёдимда. Лекин И. Ғафуровга Тангри ато қилган билим ва истеъдод, игна билан қудуқ қазиш, тирноқ билан тоғ қўпоришга етгулик матонат ўз натижасини кўрсатди. «Жиноят ва жазо» ўзбек китобхони қалбига шиддат билан равон оқиб кирадиган мавқеда таржима этилди. Таржима этилдигина эмас, Иброҳимжон буюк ёзувчининг бу романидаги ўзбек китобхони тўла англашга қийналадиган Раскольников сингари ўта мураккаб образларнинг туб моҳиятини очиб берадиган таҳлиллар ҳам эълон қилди. Масалан: «Раскольников ўзининг даҳшатли ғоясига ақлий муҳокамалар натижасида етган. унинг нозик, олижаноб, эзгу ҳиссиётлари эса бу сохта ғояга қарши фарёд кўтарди, уни жиноятдан қайтаришга уринди. Лекин оқибат сохта ғоя васвасаси ғолиб чиқиб, кампирни ўлдиргач, унинг ҳиссиётлари чидаб бўлмас ғалаён кўтарди. Радион виждон азобларида куйди. Худди шу вақтнинг ўзида унинг ўткир ақли жазодан қутулишнинг нозик чораларини кўрди. Лекин ақл ва юракнинг омонсиз олишувида виждон ғолиб чиқди. У золим ақлни енгди», деб ёзди тадқиқотчи-таржимон.

Гап шундаки, не-не мумтоз адиблар асарлари таржимаси билан танишган ўзбек китобхони ҳеч қачон Раскольников тахлитидаги бадиий образга дуч келмаган эди. Социалистик реализм адабиётида яратилган, сохта ғоя қули бўлмиш образларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини ибрат намунаси сифатида қабул қилиб ўрганган китобхон Достоевский қаҳрамони моҳиятини ташкил этган бундай чигал зиддиятларни керагича идрок этишга ҳали тайёр эмасди. Ўз таржимаси ва таҳлили билан Иброҳим Ғафуров уни шу катта ишга тайёрлади ва Достоевскийнинг «Телба», «Қиморбоз» романларини ҳам ўзбек китобхони қалбига, руҳига ошно қила олди.

Француз адабиёти бўйича дорилфунунда Фозила Сулаймоновадан кўп ва хўб сабоқ олган Иброҳим Ғафуров жаҳоний шуҳрати чексиз бўлган Ги де Мопассаннинг «Азизим» романини таржима қилиш билан ўзбек китобхонига бутунлай ўзга бир олам дарчаларини очиб, уни маънан бойитишга яна бир салмоқли ҳисса қўшди.

Хоҳ яқин, хоҳ узоқ хориждаги ё замондош ёзувчилар асарларини таржима учун танлаганида Иброҳимжон даврнинг энг долзарб муаммолари ажиб бир жасорат билан ўртага қўйилган ижод намуналарига мурожаат қилдики, Э. Хемингуэйнинг «Алвидо, қурол»и билан «Чол ва денгиз»и, В. Распутиннинг «Ёнғин»и фикримизнинг далилидир.

Иброҳим Ғафуров фаолиятида етакчи соҳа, шубҳасиз, танқид ва адабиётшуносликдир. Зотан, ижодкор худди шу соҳадаги фаолияти учун Республика давлат мукофотига ҳам сазовор бўлган эди.

Иброҳимжоннинг тадқиқотчилик фаолиятида кишини ўйлантирадиган, унда фикр туғдирадиган нуқталар айниқса кўп. Бу соҳада у ҳозиргача чоп эттирган ўн беш чоғли пурмазмун, эҳтиросли китоблар неча-неча йиллардан буён бадиият олами сирлари билан ўқувчиларни ошно қилишда комил устозлик хизматини бажармоқда.

Ўзбекистонда нима кўп танқидчи кўп, адабиётшунос кўп. Аввало, улар орасида ўз ёрқин қисматига эга бўлиш учун кўпгина масалаларда бошқалардан бир бош юқори тура олиши керакки, Иброҳимжон ана шу андозаларга тўла мос келади. Қолаверса, адабиёт тадқиқотчиси бўлмиш ҳамкасбларимизнинг аксар қисми аниқ чегараланган бир давр ёки бир йирик ижодкор мероси бўйича, адабий жанрлардан биттаси бўйича қалам тебратиш билан ўз вазифаларини тугалланган, деб ҳисоблайдилар. Тўғри, тадқиқотчи ўзи энг яхши билган давр ёки ижодкор, ўз руҳига энг яқин бўлган адабий жанр намуналари бўйича иш олиб бориш билан ҳам соҳа тараққиётига муайян ҳисса қўшмоғи мумкин. Бироқ қомусий билим эгалари тобора анқога шафеъ бўлиб кетаётган ҳозирги даврда ҳам антик дунё адабиётини, ҳам мумтоз адабиётни, ҳам ҳозирги замон адабиётини деярли барча жанрлар спецификаси билан боғлиқ ҳолда тадқиқ эта оладиган мутахассиснинг қадри алоҳидадир. Ана шу тахлитдаги тадқиқотчи бўлган Иброҳим Ғафуров китобларида, маҳобатлироқ қилиб айтганда, Одам Ато давридан ҳозирги кунларгача бўлган қанчадан-қанча халқлар ижодкорлари хусусидаги оҳори тўкилмаган фикрларни учратиш мумкин. Қадимги юнон, ҳинд эпосларидан тортиб ҳазрат Алишер Навоий «Хамса»сигача, ғарб уйғониш даври адабиёти намуналаридан тортиб Белинский, Добролюбов, Шолохов меросигача ҳамма-ҳаммаси бу қамрови кенг тадқиқотчи қучоғида ўзини эркин сезади.

Бироқ Иброҳим Ғафуров учун ўз халқининг мумтоз мероси ва унга ҳамнафас бўлган қалам соҳибларининг асарлари таҳлили, шубҳасиз, етакчи жиҳат ҳисобланади. Шу ўринда, аввало, Иброҳимжон Навоий «Хамса»сини фақат ўзига хос йўсинда, ўта қизиқарли таҳлил этганлигига эътиборни қаратмоқчиман. Тадқиқотнинг шакли шундайки, муаллиф «Ҳайратул аброр» билан «Фарҳод ва Ширин»ни кейинга қолдириб, гапни «Лайли ва Мажнун»дан бошлайди ва қизиқувчан ўспирин ўғилнинг отага савол-мактубларига падари бузрукворининг изоҳ ва насиҳатлари тарзида баён қилади. Шу тарзда давом этган ва ғоят табиий, профессионализм жиҳатидан мукаммал чиққан биринчи фасл тугагач, қолмиш тўрт достон хусусидаги мулоҳазаларни иккинчи фаслга жо қилиб, уни «Катта Шарқдан катта Ғарбга йўл» деб атайдики, сарлавҳанинг ўзиёқ ўта муҳим бир ҳақиқат, яъни илм-фан, маданият дастлаб Ғарбдан Шарққа эмас, балки Шарқдан Ғарбга ўтгани рамзи бўлиб хизмат қилади. Бу фикрни олим устоз Миркарим Осим ҳақидаги мақоласида янада ойдинлаштиради: «Рабғузийдан Мирхондгача, Абдураззоқ Самарқандийдан Абулғозийгача, Огаҳийдан Қодирий, Ойбек, Миркарим Осимгача... — булар тарих деган қуёшнинг атрофида абадул абад айланадиган юлдузлар. Уларни ҳаётнинг ўзи, инсон онги тараққиётининг узлуксизлиги бирлаштириб туради. Бир қондош жонли ипга тизади».

Иброҳим Ғафуров тадқиқотларининг асосий қисми унга замондош бўлган ижодкорларнинг асарларига, замонавий адабиёт муаммоларига бағишланганлиги ҳам табиий бир ҳол. Замондош ижодкорлар ва замонавий адабиёт муаммолари денгизда Иброҳимжон худди балиқ сувда сузгандек ўзини енгил ҳис этади, бутун истеъдод қудратини, тадқиқотчи сифатидаги ўзига хослигини баралла намойиш этади. Ҳамза Ҳакимзода, Ойбек, Миртемир, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Шайхзода каби янги давр адабиётининг тамал тошини қўйганлардан бошлаб Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Саида Зуннунова тахлитидаги ўрта авлод вакиллари ҳақида эҳтиросли асарлар битишдан ташқари, ўзи билан деярли бир вақтда адаб гулшанига кириб келган Эркин Воҳидов, Худойберди Тўхтабоев, Темир Пўлатов, Хайриддин Султон, Эркин Аъзам, Рауф Парфи, Усмон Азим, Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмон, Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Мурод... эҳҳе, яна қанчадан-қанча ижодкорларни танқидчилик кошонаси остоналарида хушкайфият ва эзгу ниятлар билан қаршилаган, уларнинг ҳар бир муваффақиятидан боши осмонга етиб, муваффақиятсизлигидан дили куйиб ёзган ҳам Иброҳим Ғафуров эди. Ҳамсаф қаламкаш дўстлари хусусида Иброҳимжон қандай эҳтирос ва билимдонлик билан, хайрихоҳлик билан қалам тебратганини айтиш учун унинг Эркин Воҳидовга бағишланган бир мақоласидан лавҳа келтирмоқчиман: «Ҳали Ғафур Ғулом, Ойбек, Миртемир, Шайхзода, Собир Абдулла, Уйғун, Зулфия, Саида Зуннунова сингари ўзбекнинг катта шеър оркестлари янграб турганида уларнинг наърали овозлари ичидан ёш Эркин Воҳидовнинг найи ҳам сас тарата бошлайди. Ва бу най товуши эшитилмай қолмади. Уни ҳамма эшитди. Баралла эшитди ва бирдан берилиб тинглади. Бу ажойиб-ку! — деди ўзбек шеърининг улуғ оркестри».

Бир кичик газета мақоласига И. Ғафуровнинг кенг қамровли, юксакларга бўй чўзган ижодининг барча жиҳатлари ҳақидаги фикрларни сиғдиришга нўноқ эканлигим сабабли унинг фаолиятининг биргина нуқтасига, яъни муҳаррирлигига эътиборни қаратиш билан чекланмоқчиман. Иброҳимжон олийгоҳни тугатибдики, муҳаррирлик унинг асосий касби, бола-чақасини боқадиган, тирикчилик учун мунтазам маош оладиган касби бўлиб қолди. Худди шу касбда И. Ғафуров бошқа ҳамкасбларидан бир бош юқори туради, деб ўйлайман. Аввал бадиий адабиёт давлат нашриётида, кейинчалик ўзи илк мақолаларини чоп эттирган «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да муҳаррир, бош муҳаррир ўринбосари, мана уч йил чамаси «Миллий тикланиш»да бош муҳаррир қаламини тутган ҳолда минг-минглаб ижод маҳсулларини сайқаллаш, уларни янги келинчакдек ёқимли, алп қомат йигитдай залворли тарзда ўқувчилар билан юзма-юз келтиришга ўз бебаҳо ҳиссасини қўшмоқда. Шуниси ҳам борки, Иброҳим Ғафуров фақат сайқал берувчигина эмас, балки йўқни бор қиладиган ташкилотчи, қандай ёзиш мумкинлигидан ўз қалами билан бошқаларга ибрат кўрсатувчи муаллиф-муҳаррир ҳамдир. Бунга қаноат ҳосил қилмоқчи бўлсангиз «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» қатламларини, «Миллий тикланиш»нинг эса исталган сонини кўздан кечиринг.

Иброҳим Ғафуров сиймосида мен собиқ СССР ҳудудида шўро мафкурасининг якка ҳукмронлиги даврида ижод оламига кириб келиб, кўплар қатори «Коммунистик партиянинг дастёр»и бўлган, Ўзбекистон диёри мустақилликка эришуви биланоқ бутун фаолиятини истиқлол ишига тўлалигича бағишлаган зийрак ва эътиқодли зиёлини кўраман. Сир эмаски, тоталитар тузум даврида яшаб, ижод қилган баъзи зиёлиларимиз ҳануз ўша «дастёр»лик кайфиятини, ўша таҳқирли мутелик ҳолатини тарк этолмаяптилар. Баъзи davраларда улар: «биз йигирма-ўттиз йил илгари бир фикрни айтган бўлсагу, эндиликда ўзимизга ўзимиз қарши чиқиб, бошқа фикр баён қилсак ярамайди», дея ўз «принципиал»ликларини кўз-кўз қилмоқчи бўладилар. Уларнинг бу «принципиал»ликлари юз йил занжирбанд ҳолда тутилган фил занжирдан бўшатиб юборилганидан кейин ҳам темир қозиқ атрофида айланаверганлиги хусусидаги ривоятни эслатади.

Хулласи, Иброҳим Ғафуров республикамизда мустақиллик мафкурасини қарор топтиришдек олий мақсад йўлида камоли ихлос билан тер тўкаётган замон зиёлиси, комил инсондир.

Шариф ЮСУПОВ,
профессор

ТАҲРИРИЯТДАН:

Таниқли адабиётшунос олим ва моҳир таржимон Иброҳим Ғафуров бир неча йил мобайнида бизнинг газетамизда сидқидилдан хизмат қилди. Газета тахламларини варақлаган киши бунинг гувоҳи бўлади. У ишчанлиги, илми ва муҳаррирлик истеъдоди билан «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг кенг халқ оммаси ўртасида машҳур бўлишига муносиб ҳисса қўшди. Бугун биз касбдошимизни таваллудининг 60 йиллиги, қирқ йиллик самарали ижодий фаолияти билан қизғин қутлаймиз, шундай изланишларида зафарлар ёр бўлишини тилаймиз.

«МЕҲР НУРИ ЁҒАР ДОИМ ЮЗИНГИЗДАН...»

Шоир биродарим Пўлат Мўминга

Камина қачон Сизнинг номингизни тилга олсам, ўзи мўмин-қобилгина, ғайрати булоқдай қайнаган, иродаси эса пўлатдай маҳкам одам кўз олдимга келади. Чиндаnam, Пўлатжон, кўз тегмасин, унча-мунча қийинчиликларни ёнига йўлатмайдиган, ижод машаққатларига тўла бардошли қалам соҳибларидансиз. Айниқса, кичиклар адабиётининг ўзига хос нозикликларини ҳисобга олсак, сизнинг бу соҳадаги мардона меҳнатларингизга тан бермай, иложимиз йўқ. Сиз, яшашдан бош мақсади ёш наслга хизмат қилиш, деб билган болалар шеъриятининг мумтоз ижодкорлари Зафар Диёр, Қуддус Муҳаммадийлар изидан оғишмай бордингиз. Устозлар анъаналарини бойитдингиз. Бундан олтмиш йилча муқаддам — бамайлихотир, очиқчасига айтавериш имкони бўлмаганди. Эркинлик бўғилганди. Текшир-текширлар, нимани битиш мумкину нимани битиш мумкинмас, деган ақидалар, таъқиблар елкамиздан зилдай босиб турганмасмиди. Ҳаёт ҳақиқатларини ёритишда озмунча чеклашларга дуч келмаганмидик. Ҳаттоки, таълим-тарбия соҳасидаги жиддий нуқсонлар, айрим муаллимларда учрайдиган салбий одатларга тил тekизиб бўлармиди. Буларгинамас. Расмий доиралар томонидан кичиклар адабиётига панжа орасидан қараш, менсимаслик ҳоллари ҳам учраб турганини биласиз. Баъзи бир дўстларимиз таъна аралаш: «Қачонгача болалар адабиётида ўралашиб юрасан. Шу кучингни катталар адабиётига сарф этсанг, аллақачон юзага чиқиб олардинг!» деб ўгит берганлари ҳам ёдимдан чиқмайди. Лекин Сиз билан биз бадиий сўз воситасида болалар маънавий камолотига хизмат этишни ҳалигидай қингир қарашлар ва камситишлардан устун кўрдик. Баъзи тўсиқларни иложи борича четлаб, қийинчиликларни енга-енга, тоқат ила қилган меҳнатларингизнинг ажойиб самаралари ўзини намоён этди. Бир неча авлоднинг миллионларча китобхонлари синовидан ўтиб, халқ ҳурматига эришиш насиб этдики, бунинг учун Аллоҳга шукроналар айтсангиз арзийди. Сафдошларингиз ва шогирдларингизнинг вақти чоғлиги ҳам — ижод боғингиз тўкин мева берганидан. Бу меваларнинг саралари кўп қардошларга етиб бориб, уларнинг тилларидаям янгради.

Заҳматкаш болалар шоирига хос маҳорат мактабингизни неча ўнлаб китобларингиз саҳифалари кўрсатиб турибди. Масалан: «Сайранг, қушлар», «Офтоб чиқди оламга», «Ҳунардан унар», «Раҳматга раҳмат», «Эсон ва Омон», «Офтоб ва одоб», «Устозлар изидан» ва бошқа китобларингиз ўқувчи чоғингизда дастлабки тетапоя шеърларингизни мен хизмат қилган болалар газета, журналларига уяла-уяла келтирганингиз эсимда. Ўшандан буёнги бутун ижодий меҳнатингиз билан болалар ёзувчиси бўлиб туғилганингизни яққол исботладингиз.

Кичкинтойларнинг кўнглини топиб, онги-зеҳнини қамраб оладиган гап айтиш учун истеъдод ва билимнинг ўзигина етмасакан. Шу билан бирга моҳир педагогдай бола қалбининг муҳандиси, одамохун ҳам бўлиш талаб қилинаркан. Мана шу сифатларнинг бари сизда мужассам эканлигини кўриб келяпмиз. Сизнинг шеъру достонларингиз, эртак, қўшиқ ва пиесаларингизда ўғил-қизларга меҳру муҳаббатингиз баралла акс этиб, чуқур сингиб кетган. Албатта, болалар адабиётимиз хазинасига нимаики қўшган бўлсангиз, булар хамирдан қил суғургандай ўз-ўзидан қўлга киргани йўқ. Ижоднинг тўқсон тўққиз фоизи меҳнатдан иборат, деб бекорга айтишмаган. Ўйлаб қарасам-чи, Пўлатжон, Сиз билан биз ҳийлагина мураккаб, ғадир-будир, беҳаловат йўлларни босиб ўтибмиз. У вақтлар дилдаги борини мавзуларининг хилма-хиллиги, ранго-ранглиги билан ажралиб туради. Ўқувчиларни ажойиботларга тўла болалар дунёси, уларни қуршаган катта ҳаёт ичига олиб киради, табиат гўзалликлари билан ошно қилади, кичкинтойларда она-Ватанга, меҳнатга меҳр-муҳаббат туйғуларини ўстиради. Қаловини топсанг қор ёнади, деганларидай, Сиз ушбу жиддий мавзуларни кичиклабоп бадиий содда, равшан образлар, мароқли манзаралар, ширали, ўйноқи тил орқали ифодалайсиз, мурғак қалбларга равон йўл топасиз. Аҳлоқ-одоб, ҳалоллик, тўғрилик, дўстлик, одамийлик сингари умуминсоний ва миллий қадриятларга муносиб ўрин берасиз. Ҳа, асарларингизни китобхонларга яқин қиладиган омиллар ёш авлод тарбиясининг долзарб муаммоларидан баҳс этиши, самимий, табиийлиги, турли хил бола феъл-атворининг дангал намоён бўлишида. Айниқса, ота-оналар ва устозларга иззат-ҳурмат ҳақида сўз борганда жуда очилиб-яйраб кетасиз. «Меҳр нури ёғар доим юзингиздан устозлар, Юрсам деймаn шу табаррук изингиздан устозлар...» қўшиғи бошланганда тингловчилар дилида ажиб бир қониқиш, яйраш, чеҳрасида илиқ табассум пайдо бўлади. Азиз устозлар шаънига мадҳиядай бўлиб янграйди бу қўшиғингиз. Умуман, сизнинг ўзбек болалар қўшиқчилигини ривожлантиришда кўрсатаётган ғайратингиз мақташга лойиқдир. Бир сўз билан айтганда, сиз фарзандларимиз онги-руҳига эзгулик уруғини мўл-кўл сочиб келяпсиз. Сизнинг шаънингизга яхшилик куйчиси, сахий, валламат шоир бобо, деган таърифлар ярашиб тушади.

Серқирра ижодингизнинг яна бир муҳим жиҳатидан икки оғиз. Сиз гоҳо ҳаётда, ўғил-қизлар орасида учраб турадиган ножўялик ҳолларини ҳам назардан қочирмайсиз. Ҳажвий асарларингизда кулгига олиш йўли билан ярамас қилиқларнинг зарарли оқибатларини очиб ташлайсиз, болалик чоғидан оқ билан қорани, яхши билан ёмонни, савоб билан гуноҳни ажрата олишга ўргатасиз. «Салимжоҳ-нимжон», «Уч баҳо пуч баҳо», «Бир ярим Карим» каби ҳажвияларингиз енгил, беозор, осон ҳазм бўладиган ҳажвияларга мисол бўла олади. Очиғи, ўзингиз ҳам дўстлар ҳазилини оғринмасдан қабул қила оладиганлардансиз. Ҳа, баъзи шоирларимизда «авлиёлик» феъллари бўлганидай, ўзларидаям жиндай шайдойинамо қилиқлар йўқ эмас. Шеър тўқишда на жой, на фурсат танлаб ўтирмайсиз. Ўйлаган нарсангизни қоғозга туширмагунча еган-ичганингиз ичингизга тушмай, одамга рўйхуш бермай қоласиз. Буни мен сиз билан бирга кўп гаштли, унутилмас сафарларда бўлганимда сезганман. Шеърга берилиб кетиб, ҳатто олдингизга келтирилган ширин таому чойларни совитиб қўйганингиз, учрашувлардан бирига кечикиб дашном эшитганимиз ҳам эсингиздадир...

Сиз ана шунақа куйди-пишдилик билан болалар адабиётимизни ҳар ёқлама камол топдиришга арзирли ҳисса қўшолдингиз. Сизга давлатимиз тарафидан берилган юксак мукофотлар ва унвонлар шундан далолат беради.

Азиз биродарим ва сафдошим Пўлатжон! Туғилган кунингиз муносабати ила табрикларим ва дуойи саломларимни қабул айланг. Чин дилдан тилакларим: худойим умрингиз ва ижодингизга барака берсин, тани соғлиқ, вақти чоғлик ато этсин! Келажаги буюк давлатнинг эгаларига атаб янгидан-янги гўзал асарлар яратишда ҳормангтолманг! Ҳамишалик ўзингиз мўминтой, илҳом булоғингиз жўш урган, қаламингиз пўлатдай тобланган бўлсин!

Ҳаким НАЗИР

«БЎЛАР МИЛЛАТ БАҲОРИ»

Абдулла Қодирий, Сўфизода, Усмон Носир сингари атоқли ёзувчиларнинг муносиб сафдоши, 20—30-йиллар ўзбек матбуотининг фидойи вакилларидан бири Лутфулло Олимий 1893 йили Наманганда дунёга келди. Эски мактаб-мадрасада, сўнг рустузем мактабида ўқиди. Ўз даврининг энг илғор ўқув юртларидан Уфадаги «Мадрасаи олия»да машҳур татар адиби О.Иброҳимов дарсларини тинглади, бу ердаги истеъдодлар билан мулоқотлар унинг ижодкор сифатида шаклланишида муҳим аҳамият касб этди.

Ўзининг журналистик фаолиятини миллати равнақига қаратган ижодкор халқи дардини, Ватанига бўлган ўзининг самимий муҳаббатини куйлади. Она заминнинг ҳар бир қарич ери, гиёҳи ҳам унинг нозик, таъсирчан қалбини қувонтира олди.

Ватан тупроғи зарраси
Дунёда йўқ назираси—

деб ёзади шоир Ватан ҳақидаги шеърларидан бирида.

Шоирнинг «Гўзаллик томошаси» номли саёҳат эсдаликларида табиат тасвирини гўзал рангларда кўрамиз: «Тўрт киши эдик. «Нанай»дан чиқиб шимол томонга қараб йўл олдик. Табиат кетган сари гўзаллашадир, бойий борадир. Кўп ўтмасдан гуллар, чечаклар орасига келиб кирдик. Гуллар билан чечаклардан кўйлак кийган бу водий унча кенг эмас...

Икки ёқдоғи тоғларнинг юзини арчалар, қайин каби ёғочлар, гули раъно, гули сафсар, турлук-туман гуллар кўмиб кетган. Кетган сой бўйлаб водийнинг ўртасида ўсган дарахтлар...

Бутун табиат кўклар билан ясалғон, борлиқ саҳнига кўмкўк гилам ёйилғон. Турларини санаб битиргисиз чечаклар билан арчаларнинг ҳиди бирбирига қўшилиб, ажойиб, кучлук, хуш бир ис берадурлар-ким, ўткирлигидан димоғлар ёриладур. Табиат гўзаллигининг мафтун ва ошиқлари бўлғон булбул, тўрғай каби сайроқи қушларнинг «чаҳ-чаҳ» қилиб сайрашлари мингларча тоғларнинг ҳам ҳайбатлик, ҳам чиройлик бўлиб кўринишлари кўнгилларга шеърлар илҳом қиладур...»

Ҳа, табиат ҳуснига мафтун шоир ҳаёти тарихимиз осмонини қора булутлар қоплаган даврга, Сталин қатағони йилларига тўғри келди. Халқимизнинг қанчадан-қанча асл фарзандлари қаторида Л.Олимий ҳам шу даврнинг ноҳақ қурбони бўлди.

ТАДҚИҚОТ * АХБОРОТ

1931 йилнинг 25 апрелида машҳур маърифатчи Мунавварқори ва Салимхон Тиллахоновлар гуруҳи ОГПУ томонидан суд қилиниб, 18 киши отишга ҳукм этилади. Булар орасида Л.Олимий ҳам бор эди. Қарор сўнгида ўн йилга концлагерга алмаштириш мумкин, деган илова берилган бўлиб, Л.Олимий аризасидан сўнг, аввалги ҳукм ўн йилга қамоқ муддати билан алмаштирилган.

Заки Валидий Тўғон «Бугунги турк эли Туркистон ва яқин тарихи» асарида шундай фактни келтиради: «Фарғонанинг энг бой шаҳарларидан бўлган Наманганда 1914 йилда 303709 киши яшаган. 1922 йилда эса худди шу шаҳарнинг ўзида яшовчилар сони 190675 кишига тушган.

Демак, 1917—1919 йилги воқеалардан сўнг аҳоли сони 35 фоизга камайиб кетган (аниқроғи ўлдирилган). Чорва эса айни йилларда 866 минг бошдан 31 минг 574 бошга тушган», деб ёзган эди. Бу давр воқеалари ҳақида Л. Олимий ёзади: «Ора-сира мужикларнинг (ўрус муҳожирлари) тунука томли оқ уйлари кийинган қизлардай боқчалар орасидан қараб турардилар. Дарахтлар орасига қатор-қатор асалари сандуқчаларға кириб чиқиб турадурлар. Улар ишлайлар. Мана бу оқ уйлардаги «қўноқлар»ни сийламак учун, уларни тилларини ширинламак учун ишлайдурлар, асал тўплайдурлар. Ундай «қўноқлар» бу ерларда жуда кўп; энг унумлик тупроқларни эгаллаб олиб, бемалол, баҳузур яшайдурлар, яшайдурлар, чинакам яшайдурлар. Яшаш чинакам шуларники.

Боқчачилик қиладурлар, асаларичилик, деҳқончилик ишлари ҳам тарқалғон ерлар, боғлар, арилар ўзларники, турмушлари кам-кўст-сиз; бетларидан қон томиб турадур...»

«...Ҳозир қишлоқ бир харобадан нишон берадур. Талан-ғон, юлунғон, ҳеч нарсаси йўқ бечорадек ғамли, ғамли қарайдур... Мактаб биносидан озгина ғишт қолғон... Касалхонанинг тош деворлари ўзларининг ёнғинларига парво қилмай, куймай қолғонликларига мақтаниб, гердайиб турадурлар... Бошқа иморатлар бўлса, йиқилғон, ёқилғон, соғ қолганлари ҳам тўрт томонға ёнбошлағон, қийшайғон... Дўконлар, самовархоналар, саройлар албастининг уйига айланган. Киши йўқ, халқ ҳар томонга қочиб кетган. Неча юз уйлик, неча минг киши яшағон бу еда ҳозир 20 уйликча киши қолғон... Бозор куни 100 тача кишининг қимирлашқони кўринди...».

Ватанининг, миллатининг оғир дарди Олимий юрагига оғриқлар берди. Ўзининг кўҳна ва бой тарихидан, азалий урф-одатларидан, тилидан, динидан айрилган она-Ватани юзига маънавий баркамол фарзандлари қай кўз билан қарай олардилар?

Қуёш ҳам ўзгача нур таратувчи юрти учун, киндик қони тўкилган тупроқ учун жон фидо этишни шоир ўзига шараф деб билган, бу миллат фарзандларини ҳам шунга даъват этди.

Ўз халқининг ўтмишидан — Улуғбек, Ибн Сино, Беруний, Хоразмийлар авлоди эканлигидан фахрланади.

Умидим шул: миллат
доим ётмас шул уйқусида,
Бир кун бўлғай ўлтурғай
илмнинг олтун курсисида.
Кетди давлат, келди
зиллат ўраб олди ҳақорат,
Ер айланур, кун тушурур
ёруғини бо навбат.
Кулгил Лутфий, чекма
ҳеч ғам, етар, гул очилади,
Кетар қишлар, бўрон
қорлар, бўлар миллат
баҳори.

Ҳа, шоир орзу қилган миллат баҳори бугун қалбларга ўз иликлигини улашмоқда. Шу баҳор қуёши Ватанимиз осмонида абадий нур таратсин, деб Лутфулло Олимий ва у каби сўнмас юлдузлар жонларини фидо этдилар. Биз улар олдида, уларнинг пок руҳлари олдида қарздормиз.

Ҳазрат Алишер Навоий «Маҳбубул қулуб» асарида ёзадилар: «Кимки умрини мардлар хизмати учун сарфласа, умри ўтса ҳамки, абадий умр эгаси бўлади. Умр-бевафодир, мардона ҳаёт абадийдир».

Иқбол ҚИРҒИЗБОЕВА,
Наманган давлат
университети аспиранти

«МАЪНАВИЯТ ГУЛТОЖИ»

Шоир ва таржимон Олимжон Бўриевнинг Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга бағишланган «Муҳаммад Пайғамбар», буюк муҳаддис ҳақидаги «Ал-Бухорий» шеърий қиссалари, ҳадисларнинг шеърий талқинидан тузилган «Маънавият гултожи» мажмуаси тарихий исломий манбалар асосида ёзилган.

Пайғамбар — Муҳаддис — Ҳадислар, рамзий бир бутунликни ифода этади, бамисоли Қуёш — Ой — юлдузлар янглиғ муштарийлар қалбини мунаввар этиб, чароғонлик дунёсига етаклайди ҳамда ёш китобхонларни пок ниятли, иймон-эътиқодли, ватанпарвар, комил инсон бўлиш ва маънавий дурдоналарни қадрлашга даъват этади.

Шоир мазкур китобни Бухорои шарифнинг 2500 йиллиги ва буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига бағишлаган.

Тақризчилар: академик Азиз Қаюмов, филология фанлари доктори Ботирбек Ҳасанов.

Китобнинг биринчи қисми Пайғамбаримиз Расули Акрам тарихидан иборат бўлиб, айниқса ёш китобхонларга тез етиб борадиган содда ва равон шеърий тилда ёзилган. Пайғамбаримиз ҳақида кўплаб насрий асарлар ёзилиши билан бирга ул ҳазратнинг мўъжизавий ва ибратли ҳаётларини бор бўйича ўзида акс эттирган катта ҳажмга эга салмоқдор шеърий асар ёзилмаганлигини эътироф этадиган бўлсак, муаллифнинг бу соҳадаги уриниши янада аҳамиятлироқ эканлигини эътироф этиш жоиз.

«Муҳаммад Пайғамбар» шеърий қиссасининг ҳар сатри

тақводор қалб муножоти, орифона исломий туйғулар тараннуми эканлиги сезилиб туради:

Жаброил келтирди икки
идишда,
Сут билан май менга,
олиб ичишда
Мен сутни танладим,
бўлгандай қойил,
«Яхши қилдинг», — деди
ҳазрат Жаброил.
Шундан сўнг самога
кўтарилдик заб,
«Осмонни оч!» қилди
Жаброил талаб.
Шу маҳал «Кимсан?» деб
янгради овоз,
Ўзларин Жаброил
танитганда боз,
«Ёнингда ким бор?» —
деб сўрди ростмана,
«Муҳаммад бор», —
деди Жаброил яна.
Унга Пайғамбарлик
келдими деган,
Бир савол янграды
яна жавобан.
Жаброил: «Ҳа», —
деди ва ўшал замон,
Қопқаларин очди
мунаввар осмон».

Иккинчи шеърий қисса жаҳонга донғи кетган ватандошимиз, буюк муҳаддис ҳаёт ва фаолиятига бағишланган. Шоир бу асарини мавжуд тарихий маълумотлар ва қизиқарли ривоятларга асосланиб ёзган ва аҳли муслим арзандаси Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорийнинг беназир тимсолини яратишга уринган. Бу шеърий қиссада, айниқса, муаллифнинг Ватан ва миллатга бўлган севгиси, эҳтироми шеърий сатрларда сезилиб туради.

Китоб хотимаси Имом Бухорий ҳазратлари жамлаган пайғамбаримиз Расули Акрамнинг ҳадиси шарифларидан илҳомланиб ёзилган шеърлар мажмуасидан иборат бўлиб, муаллиф аҳлоқ-одоб, ватанпарварлик, саховат ва олижанoблик, таълим-тарбияга оид умуминсоний ғояларни тараннум этади, китобхонлар қалбида эзгуликка мойиллик уйғотади.

доимий ҳамроҳ

Ғазаби келганда бўлса
хотиржам,
Билинг орангизда у
кучли одам.
Кучлимас мушт тугиб
чиққан зўравон,
Ул зўрдир енгса гар
қилмай тўполон.

Шоирнинг кўпгина манбалардан ижодий фойдаланганлиги сезилиб туради. Кўплаб таржима ва шеърий мажмуалари нашр этилган Олимжон Бўриев «Маънавият гултожи» асарини ёзиб хайрли ва савоб иш қилган.

«Маънавият гултожи» китоби «Ўқитувчи» нашриётида келишилган нархда 5000 нусхада чоп этилган. Китобни мусаввир Эркин Нурманов безаган. Нашриёт муҳаррири Мухтор Аҳмедов.



Ғулом МИРЗО

ИШҚ КЕЧАР КЎЧАМДАН ҚЎНҒИРОҚ ЧАЛИБ

* * *

Эй, кундузи коинотдек олис бешумор,
Тунлар эса тушларимда чарх урган ҳумой,
Сомон йўли — шиппагингдан тўкилган ғубор,
Сен уйимга қачон келиб кетган эдинг, Ой.

Уйда — кактус соқолини олмабди ҳануз,
Балиқлар жим — келганингни билмас, ҳойнаҳой.
Фақатгина дераза лол, ланг очиб оғиз;
Сен уйимга қачон келиб кетган эдинг, Ой.

Келганингда, балки уйда бўлмаган ҳеч ким,
Қўнғироқ зор бўзлагану қулф турган жим.
Қулф билан тил топишмай калитлар синсин...
Сен уйимга қачон келиб кетган эдинг, Ой.

Кўча эшик ҳар ўтганга сўйлайди сени,
Уйим бўзлар бамисоли бир арғанундай,
Зинапоя гармон бўлиб куйлайди сени,
Сен уйимга қачон келиб кетган эдинг, Ой.
Сен уйимга қачон келиб кетган эдинг...

* * *

Ёлғондакам тугар сочини
Ва соч яна кетар сочилиб.
Қайта-қайта Гўзал Очуннинг
Тугун-тугун сири очилур,
Ёлғондакам тугар сочини.

Топинаман пойқадамига,
Тополмайман ўзга иложин.
Дилни боғлаб ростакамига,
Ёлғондакам тугади сочин.
Ёлғондакам тугар сочини.

Билолмадим, недандир дарак:
Тун ваъдаси ё зулм тожими?..
Бошидаги қора чамбарак —
Билолмадим, недандир дарак,
Ёлғондакам тугар сочини...

* * *

Жононнинг билгани жазодир манга,
Жонондин келгани жафодир манга.

Ишқ кечар кўчамдан қўнғироқ чалиб,
Карвондин келгани садодир манга.

Ошиқлик қандайин дардисар бир дард,
Ки ондин келгани даводир манга.

Кўз сузса — паймонам тўлгуси лим-лим
Ва жомдин келгани сафодир манга.

Қош қоқса — гул очур бу кўнгул, гарчанд
Камондин келгани ярoдир манга.

Сўз қотса — умримга исм топилгай,
Забондин келгани маънодир манга.

Турганда — жон олиб, руҳ бергувчи ул —
Ғилмондин келгани ғизодир манга.

Юрганда — юраклар тўхтаб қолгудек...
Кетгондин келгани аълодир манга.

Ғуломга ситамлар муносиб, зотан —
Осмондин келгани раводир манга.

* * *

Ўн саккиз ёшлилар орасида
Биз - қари.
Фақатгина ишқ — ёш, расида,
Ўн саккиз ёшлилар сингари.

Дилингни қон этмиш бунчалар
Умр кўзгусининг сингани...
Кел, дунёга очил ғунчадай,
Ўн саккиз ёшлилар сингари.

Ғам — сени улғайтган уймиди,
Ғам ичра кечмоқда кунларинг...
Нигоҳингга боқиб тўймадим
Ўн саккиз ёшлилар сингари.

Бир тоза сақлабсан қайғуни,
Кўзингга қуйиб бер, симбарим.
Бу ёшда севмоқ ҳам қайғули,
Ўн саккиз ёшлилар сингари...

ХИРГОЙИ

Белимга бойласамми
Сочинг илонини.
Бўғзимга қайрасамми
Қошинг ҳилолини.

Эй, сари-пойи қотил,
Ҳукму фармойи одил!
Кўксим қинига солғил
Қаддинг шамолини.

Кўксим кўздай очилсин,
Ашк юлдуздай сочилсин.
Қисматим эгиз билсин
Кўзинг хаёлини.

Эй, сари-пойи қотил...

СЕНСИЗ

1

Тун ва ёмғир. Осмон — мажнунтол
Кокилларин ёяр заминга.
Кўнгил — Тўмарисдек қасоскор аёл,
Бошимни ботирар ғамимга.

Кўчалар — ивиган варақлар,
Ғижимланаверар юракдай.
Сендан қолган излар — дарахтлар
Кўтарилиб кетмиш йўлакдан...

2

Кузнинг кулранг куни кечмоқда,
Қуёш менгзар панғлаган нонга.
Сим-сиёҳ меваларми — бутоқдан
Дувва тўкилмоқда
Осмонга.

Йўллар — узиб ташланган симдай,
Симёғочдай муаллақ — эшик.
Чироқ ёқиш учун кўксимда
Келмаётир
Ишқ.

Хосият БОБОМУРОДОВА

НОВДАЛАР БУРКАНДИ БИР КУНДА ГУЛГА

* * *

Ишқдир менинг кўзим очган,
Тупроққа ҳам қўяр ўзи.
Ололмас ҳеч ким суғуриб,
Юракка кетган илдизи.

Ихтиёрим ўзимдамас,
Эрким ҳам ишқ, қафасим ишқ.
Келмоқ, кетмоғим билмасман
Илк ва сўнгги нафасим ишқ.

Қай малакка этмиш насиб,
Хосият, сен ўлтирган кўшк.
Бойлигимга ниҳоя йўқ —
Тирноғимдан сочгача ишқ.

Ўзга сиғмас бу ўлкага,
Шоҳ ҳам ўзим, қул ҳам ўзим.
Юзим юзта, жоним мингта,
Хор ҳам ўзим, гул ҳам ўзим.

Танимадим дили йўқни,
Кўзимни кўр айлади ишқ,
Ки нолалар чекдим тинмай,
Сўзимни шеър айлади ишқ.

* * *

Сизга тилак тилаш кулгили бир ҳол,
Ўзингиз тилаклар бошида сарбон.
Кўзларингиз олов, тилларингиз бол,
Худойим омадни бус-бутун берган.

Кўксингиз бир бошни суяшга қодир,
Умрингиз етади ишқнинг умрига.
Руҳингизга жаннат гуллари жодир,
Бўйлари маст этар мингта қумрини.

Сиздан тилакларнинг ўзи тиланар,
Дилим осмонида яшаш жойингиз.
Ҳар бир лутфингизга бахтлар тўланар,
Ҳар кун ўн тўрт кунлик Сизнинг ойингиз.

Қутлай деймaн, тилим келмайди сўзга,
Лойиқ либосингиз — меҳру муҳаббат.
Бу телба, шеърпараст кўнгилни сизга
Ва сизни ўзимга тилайман фақат!

* * *

Ўйлайсизки, сизга осон таслимман,
Энди «ҳа»дан ўзга чораларим йўқ.
Сувлар сим-сим сингиб кетгувчи қумман,
Мени қўллагувчи ёраларим йўқ.

Жоним-а, жонингиз қолгайдир ўтда,
Сизни тинмай ўртар оловларим бор.
Ишқнинг ўлкасида гўлаҳман битта,
Юрак ўтин бўлар қаловларим бор.

Юлдузлар бекиниб олса кўзимга
Сизни кўриб-кўрмай қарашларим бор.
Ки гуллар бошини кўяр изимга,
Сўзларни соч каби тарашларим бор.

Бекинаман тоза гул япроғига,
Ҳатто тушингиздан қочиб кетаман.
Хазонлар қоришган дил тупроғига
Яшир деб ўзимни тақдим этаман.

Битта номга сиғмай қолар борлиғим,
Бир бўламан, юз бўламан бир кунда.
Юракка элтгувчи ишонч ёрлиғим —
Шеър бўламан, сўз бўламан бир тунда.

Ҳали сизга атай йиғлаганим йўқ,
Йиғласам чўкасиз ёмғирларимга.
Ўзимнинг ўзимдан кўнглим жуда тўқ,
Билмай боғланасиз чилвирларимга.

Сизга асирликнинг ўзи хонликдир,
Меҳрим бор, макрим бор, дилимда оҳ бор.
Эй боши осмоним, кўнглингда ахир
Хосият исмли ягона шоҳ бор!

* * *

Ёмғир ёғаётир, ёғар беомон,
Ҳасратларин тўкиб йиғлайди осмон.
Минг йиллик ғамлардан кеча ва кеча,
Менинг ҳам йиғлагим келар бу кеча.

Новдалар бурканди бир тунда гулга,
Воҳ, юрак, не учун тушяпсан йўлга?
Осмоний ҳисларни ича ва ича
Менинг ҳам гуллагим келар бу кеча.

Наврўз ҳамма жойга ёзди отини,
Гуллар билан битди салом хатини.
Сен томон тўрт сатр шеърий мактубча
Менинг ҳам йўллагим келар бу кеча...

Меърож.
Рассом Шойим ШЕРНАЗАР

Ёднома

ҚУТЛИБЕКА

ҚУЛЛИКНИНГ ОЗОД ИНСОНИ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида Шавкат Раҳмон билан уч ярим йил бир хонада рўпарама-рўпара ўтириб ишлаганмиз. Туғишган акамга бўлгандай меҳрим бор эди. Баъзан ўзига ҳам: «Сиз қийналсангиз, ростдан жоним оғрийди. Қачонлардир қайсидир ҳаётда биз чиндан ҳам бир ота-онанинг фарзандлари бўлганмиз, шекилли», — дердим. Мийиғида кулиб қўярди.

Мен кундалик дафтарларимга Шавкат акам ҳақида бир оғиз сўз ҳам қайд этмаганман. Ҳаётдан бунча эрта кетади, хотира ёзаман, деб етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган. Шунинг учун «Шавкат Раҳмон оғир ётибди», деганларида ҳам ортиқча хавотир олмаганман. Назаримда, шу қалби, шу иродаси билан ўлимни ҳам енга оладигандек эди... Афсус...

...Шавкат акамни тупроққа топширишган куни болаларимнинг дадаси ҳам оғир хаста эдилар, тўшакда ётгандилар, азаларига бора олмадим. Аммо икки ҳафталар ўтгач: «Миразиз ака, ичим ёниб кетаяпти, уйларига бориб бир тўйиб йиғламасам бўлмайди», —дедим. Бордим. Йиғладим. Мана, шунга ҳам бир йилдан ошибди. Яна ва яна йиғлагим келаверади...

ТАНИШУВ

Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Азим Суюн ва уларга тенгдош шоирларнинг илк китобчалари чоп этилиб, яхши маънода шов-шув бўлаётган кунлар эди. Нашриётда ишга қабул қилиниб, шеърият бўлимига кирдим. Қарасам, Шавкат Раҳмон.

Биз офтобнинг икки боласи
Олисларда юрибмиз кезиб.
Қалбга туташ қуёш толаси
Бу толани бўлмас ҳеч узиб, —

деган шеърларини ҳаяжон билан ёд айтиб юрганим шоир билан энди бир хонада ишлашимдан суюниб кетдим, шекилли, ўз одатимга хилоф равишда:

— Сиз Шавкат Раҳмонсиз-а? — деб юбордим.

Шавкат ака энсаси қотиб қаради, билинар-билинмас бош силкитди. Бошимга биров гурзи билан ургандай бўлди, қулоқларимгача қизариб кетган бўлсам керак. «Мени машҳур кишилар атрофида гирдикапалак бўлиб юрадиганлардан, деб ўйлади. Шу қилганига энди сираям гапирмайман», деб аҳд қилдим ичимда ва айтганимдай қайтиб «миқ» этмадим. Эртаси, индини ҳам. Шавкат акам нимадир сўраса бош силкиб, чайқаб жавоб берардим. Учинчи куни Шавкат акам хурсанд келди. Икки қиздан сўнг ўғил кўрибди. Ҳамма табриклади. Мен қоғозларимга кўмилиб ўтиргандим, олдимга келиб:

— Отингизга ўхшар экансиз. Қадамингиз қутли келди, ўғил кўрдим, — деди.

Бу Шавкат акамнинг ўзига хос «узри» эди.

ҚИЗ БОЛАДАН ҚАРЗ СЎРАМАНГ!

Шавкат акам аёллар билан кам мулоқотда бўлар, ташқаридан кузатган одам уни аёлларга беписанд деб ҳам ўйлаши мумкин эди. Аммо у ич-ичида аёлларни бир заифа, ҳимояга муҳтож, гулдай нозик жон деб биларди. Аёл қаршисида паст кетган, номардлик қилган эркаклардан ўз ҳиссиётини яширмасди. Бир куни умумий танишларимиздан бири хонага кириб мендан қарз сўради, бердим. Шавкат акам ранги ўзгариб орқасидан чиқиб кетди.

...Бир оздан кейин коридордан кирган Назми опам (у киши бўлимимиз кичик муҳаррири эдилар ўша пайтлари) кулиб гапириб келди:

— Вой Шавкатбек-эй, «Тўрт мучангиз соғ, девдай бўлиб муштдай қиздан қарз сўрагани уялмайсизми?», — деб Фалончини тузлаяпти бурчакда. Кимдан қарз олдийкан?

...Мен индамай қўя қолдим.

ЎҒИЛБОЛА СИНГЛИМ

Шавкат акам кўпинча ишга келмасди. У пайтлари интизом деганда иш ҳажми, савияси эмас, соати фалондан фалонгача ўтириш тушуниларди. Дафтарга қўл қўйдиришлар, сўроқ-саволлар бўларди...

Икки елкамдан бошқа оғирлигим йўқ, ишга вақтида келиб, вақтида кетаман. Доим «келди-кетди» дафтарига Шавкат акамнинг ўрнигаям ўзиникига ўхшатиб имзо чекиб қўяман.

...Бир куни босмахонага тушиш навбати куни ҳам келмай қолди. Шеърият бўлимида-ку бошлиғимиз Омон ака анча демократ эдилар. Ишимизга қараб муомала қилар, яхши кетаётган бўлса, кеч қолиш, келмасликка унча аҳамият бериб ўтирмасди. Аммо босмахона навбатида бормасак, йўқлигимиз сезиларди. Катта гап-сўз бўлиши тайин эди.

Шавкат акамнинг ўрнига тушиб кетдим. Оғир-оғир китоблар ташиш, чанг, шовқин-суронли цехларда китоб муқовалаш билан кунни ўтказдим. Эртасига Назми опам:

— Кеча у ёққа борадиган эдингиз-ку, албатта, ёқмийди-да, чангга беланиш. Ўрнингизга Қутлибека борди, бўлмаса битта виговорни ёпиштирарди Ҳасан ака (у киши касаба уюшмаси бошлиғи эди), деб ёлғондан пўписа қилдилар.

Шавкат акам кўпинча ўзини ҳақ деб билар, майда-чуйда нарсаларга хижолат бўлавермас эди. Аммо бу гал сал ўнғайсизланди:

— Қутлибека менинг ўғил бола синглим-да, деб қўйди.

Бу унинг миннатдорлиги эди.

ТИРИГИДАН БЎЛСА...

Шавкат акам жуда сипо эди, ҳазил-ҳузулларга аралашмасди. Бировда гапи бўлсаям қоғозга ўраб ёки андавалаб ўтирмай, тўппа-тўғри айтиб қўя қоларди. Аммо бир гал...

Ҳар куни тушга яқин тоғора кўтариб бир аёл эшикма-эшик юрарди.

— Хоним ейсизларми, иссиққина хоним бор, — деб такрорларди. Ҳар гал «ҳа» ё «йўқ» — жавоб бўларди.

Аёл одатдагидай эшикдан мўралаб, сўровини такрорлади.

Шавкат акам бехос бошини кўтариб:

— Тиригидан бўлса, майли... — деди.

Назми опам дарров эътироз оҳангида чўзиб:

— Шавкат-б-ек, — дегандилар, у бизни энди пайқагандек қип-қизариб кетди...

«ВАГОННИНГ ДАМИ ЧИҚДИ...»

Бўлимимизда ўзимизга хос жаргонларимиз бўларди. Чинакам китобга арзигулик қўлёзмалар турадиган шкафни «купейний вагон», арзиса-арзимаса чиқиши керак бўлганлари жойлашганини «пласкартный», деб атардик. Икки жумлани жуфтлаб китобга даъво қилиб келган тизмакашларнинг қўлёзмалари ҳам жуда кўп эди. Биз уларни «общий вагон» шкафимизга тахлардик.

...Бир куни эрталаб ишга келсам ўша шкаф эскирганми ё қўлёзма тапасигача тиқилиб кетгач, оғирлик қилганми, синиб кетибди. Қўлёзмалар сочилиб бир алфозда ётарди. Ҳаммасини тўплаб жой-жойига қўйиш менинг зиммамдалиги учун йиғлагудай бўлиб ўтирсам, ҳамхоналарим бирин-кетин кириб келишди. Ҳали менга «таъзия» изҳор қилиб улгуришмаган эди, худди ўша — ер билан битта бўлиб ётган қўлёзмаларнинг эгизини қўлтиқлаб яна бир «шоир» кириб келди. Аламимни кимдан олишни билмай турганим учун энди «портлайман» деб турсам, Шавкат акам:

— Общий вагоннинг дами чиқиб кетган. Ҳозирча чипта сотилмайди, — деди. Ҳаммамиз баравар «ҳо-ҳо»лашдик. «Шоир» эса, ҳеч нарсани тушунмай анграйиб қолди...

ПИЁЛАМДА ЧОЙ ИЧМАГАНМИ?

Абдулла Қаҳҳор домла айтмоқчи, Шавкат акам бировни ёқтирмаса, «ботинкасининг ипигача ёмон кўрарди». Аммо бировни ёмон кўрса, майдалаб ғийбат қилмас, нари борса «аблаҳ одам», дерди-қўярди.

Бир куни хонамизга ким давра тўрига ўтса ўшанга похол солиб, лаган тутиб юрадиган бир ёзувчинамо кимса кирди. Нашриёт раҳбариятида ўзгариш бўлган эди. Янгиларни «...чиевичжа унақалар»да деб анча кўкларга кўтариб ўтирди. Кимса кирган заҳотиёқ коридорга чиққан Шавкат акам, у кетгандан сўнг қайтди. Бирпасдан сўнг чой дамлаб столига олиб бориб қўйдим.

— Менинг пиёламда ҳалиги чой ичдими? — деб сўради.

— Ҳа, кейин туз билан ювиб келдим, — дедим гап нималигини фаҳмлаб.

Шавкат акам индамай қўлидаги пиёлани «қарс» эткизиб иккига бўлди-да, ахлат челакка ташлади...

ЎЗИНИ ОЗОД ҲИС ЭТИШ УЧУН

...У пайтлари кузда бизни ой-ойлаб пахтага, сабзавотга ҳашарга юборишарди. Бир куз Халқободга узум узгани борганмиз. Бригадиримиз:

— Ким қирқ челак узум йиғиб топширса, озод, — деб эълон қилди.

Олдин «қирқ челакчи»лар кўп эди, аста-секин камайдик. Бора-бора йигитлардан фақат Шавкат акам қолди. У терлаб-пишиб астойдил ишларди. Бир-икки соатда нормани бажариб, ётоққа кетарди. Китоб ўқир, таржима қилар, ёзарди.

Мен:

— Шавкат ака, биз-ку майли, бештамиз. Сизни анави «Ўқитувчи»нинг болалари «передовой», деб кулишаяпти, шу ерда ёзсангизчи... — десам:

— Қўяверинг, мен ўзимни ярим кун озод ҳис этаман. Ярим кун ихтиёрим ўзимда, қул эмасман, деб ўзимни ишонтираман. Бўлмаса, қанақа қилиб қулликда шеър ёзиб бўлади? — деди.

ҚЎШИҚ ЯХШИ ЧИҚМАС...

Пахтада эдик. Шавкат акам бир гапида: «Пахта териб юриб қўшиқ айтиб бўларканми, қўшиқни тик туриб айтиш керак», — дедилар. Шу гапни дарров илдим-да «Чинор билан суҳбатлар» шеъримда ишлатиб юбордим. Шеър битгач, ўқиб бердим. Шеър ёқди-ю, ўзининг фикрини олганим ёқмади. Кейинчалик «Ўс, ғўзажон, дарахтдай ўс» деган мазмунда шеър ёзиб, унга «Қўшиқ чиқмас эгилиб айтсанг» «Шавкат Раҳмон» деб эпиграф қўйиб, матбуотда эълон қилди.

Шеър босилиб чиққан куни менга у-бу демади-ю, газетанинг ўша жойини «тап-тап» уриб: «Мана», деди...

Менга шу етарли сабоқ бўлишини билган бўлса керак...

ТУШИМДА ИСПАНЧА ГАПИРАМАН

Шавкат акам Лорканинг шеърларини таржима қилиб ихчамгина китобча чоп эттирди. Китобча кўпчиликка ёққан бўлса-да, ўзининг кўнгли тўлмади. Испанчани ўргана бошлади. Ҳафтанинг муайян кунлари аллақайси институтдан бир муаллима келиб хонамизда Шавкат акамнинг столи ёнида ўтириб секин-секин машғулот ўтказарди. Доим ҳаммадан кеч келадиган Шавкат акам ўша пайтлари эрта келиб хонада дарс қиларди.

Бир кун келсам ойнакка қараб, сўзларни талаффуз этаётган экан.

— Сизга нима азоб? Ўрисчадан қилаверинг, «чапа», деб ўтиргунча янги бир китоб ёзасиз... — дедим.

— Ёзаман-у, лекин ўзбеклар Лоркани ўрислар қандай гапиртирса, шуни рост экан, деб ўтиб кетишмасин, дейман-да, — деди. Сўнг: — Тушларимда испанча гапираяпман, ҳадемай ўнгимдаям гапириб қоларман, — деб қўшиб қўйди...

БУ ДУНЁГА ЁМОНЛИК ЯРАШАДИМИ?

Шавкат акамнинг иккинчи «Юрак қирралари» китоби чоп этилди. Аввалгисидан бир поғона баланд эди. Аммо, 80-йилларда матбуотда эркин фикрни айтиш ғоят қийинлиги учун шоирнинг ўта кескин гаплари ҳам рамзларга беркитилган эди. Шавкат акамнинг рамзлари кўпроқ табиатдан эди. Шунинг учун деярли ҳар бир шеърида майса, гул, булбул, мажнунтол образлари айланиб келаверарди. Мен ярим ҳазил, ярим чин қилиб:

— Гул, булбулни бизга қолдиринг. Сизлар тулпор, қилич, қалқон ҳақида ёзинглар-да, — дедим.

Мен гапирганда Шавкат акам деразадан пастга қараб турганди. Нашриёт ҳовлисида дарахтлар чиройли гуллаган эди.

— Қанийди, иложи бўлса, биз ҳаммамиз фақат гул, булбул ҳақида ёзсак, ёзаверсак, бошқа гап бўлмаса. Дунёни қаранг, қанақа чиройли, шу дунёга ёмонлик ярашадими? — деди. Сўнг «уф» тортиб қўйди.

Мен Шавкат акамнинг қандай замонларни орзу қилаётганини дарров ҳис этдим. Мана, шундай замонларга — миллатимиз эркин даврларга ҳам етдик. Ҳар қанча гул, булбул ҳақида ёзсак ярашади. бироқ Шавкат акам энди йўқ...

ТАҲРИРИЯТДАН: Ушбу мақола саҳифаланаётганда қўшни Ўш вилоятининг Қорасув туманидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раҳбарияти номига мактуб келди. Туман давлат маъмурияти бошлиғи Рустам Анорботоевнинг маълум қилишича, Шавкат Раҳмон туғилиб ўсган «Шарқ» овул ҳукумати кенгашининг қарорига биноан қишлоқ кўчаларидан бирига шоирнинг номи берилган.

Маҳмуд Аҳмедов кўп йиллардан буён санъат соҳасида қалам тебратиб келаётган камтарин, камсуқум, ўз касбига фидойи бир инсон. У 1968 йили Тошкент Театр ва рассомлик санъати институтининг театршунослик бўлимини тугатгандан буён турли санъат даргоҳларида хизмат қилди. Хусусан, Ўзбекистон Санъат музейида узоқ муддат тасвирий санъат тарғиботига ҳисса қўшиб келди. 1992 йилдан буён Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида ишламоқда. Республика матбуотида санъатга доир мақолалари билан мунтазам қатнашиб туради.

Санъатимизнинг ана шу камтарин фидойиси бугунги кунда ўзининг 60 ёшини нишонламоқда. Биз у кишини қутлуғ ёши билан муборакбод этиб, қуйида санъаткор бўлишнинг машаққатлари ҳақидаги мақоласини эътиборингизга ҳавола этамиз.

САНЪАТКОР БЎЛИШ ОСОНМИ?

* * *

Институтнинг театршунослик факультетида ўқирдим. Бўлажак санъаткорлар билан бир ётоқхонада туриб, бирга ўқиганимиз учун беихтиёр уларни кузатиб юришга тўғри келарди. Бу биз учун қизиқарли ҳам эди (1963-1968 йиллар). Кимлардир узоқни ўйлаб, танлаган соҳаси бўйича тинмай, умид билан ҳаракат қилар, турмушда содир бўладиган кичик воқеаларни топиб сўзсиз ҳаракатлар билан тушунтириб, бизни ҳайратда қолдирар, айримлар озгина овозини пуллаш йўлида қаерда тўй, зиёфат борлигини сўраб-суриштириб бўлса-да топиб, жўнаб қоларди.

Санъатга меҳр қўйган биродарларимдан ҳозир Алишер Навоий номидаги Катта академик театр солисти Худойберган Тоиров, режиссёр Эргаш Масафоев, «Наманган» вокал ансамбли хушовоз хонандаси Шарифжон Каримов, Сурхондарё театрида ишлаётган Неъматжон Пардаев, Қашқадарё вилояти, Муллатўйчи Тошмуҳамедов номидаги мусиқали драма театри артистлари Йўлдошали Каримов, Одилжон Исмоилов, республика Сатира театри етакчи санъаткори Турдибек Содиқов, Ҳамза номидаги академик театр актёрлари Теша Мўминов, Эркин Комилов, Маҳмуджон Дўстматовлар (марҳум) менинг талабалик даври қадрдонларим.

Бу дўстларимизда сабр-тоқат, диёнат кучли эди. Хатти-ҳаракатлари, ўзларини тутишлари ҳаммага ёқарди. Вақт қадрига жуда етишар, бўш қолдиларми, бас, машқ билан банд эдилар.

Эркин Комиловдаги қизиқчилик хислати талабалик йиллари сезилмас (кейинчалик ўзим ҳам ҳайрон қолдим), кўпроқ драматик, руҳий кечинмали (психолог) актёр бўлаётганини кузатардим. Қад-қомати ўзига ярашган, анча кучғайратга эга, овози ҳам баланд, ҳаракатчан, қиличбозликда унга тенг келадигани йўқ эди. Санъаткор бўламан деган одам юрагини кенг қилиб, ҳаётга, одамларга завқ, меҳр-муҳаббат билан боқиб, санъат дарди билан яшамоғи керак. Эркин Комиловда мен ана шу жиҳатларни кўрардим. У муҳаббат ҳақидаги қўшиқларни саралаб, маҳорат билан айтарди.

Мусиқали драма факультети талабаси Шариф Каримовнинг ёқимли овози кўпларга маъқул эди. Жаҳон халқлари қўшиқларини айтишга жуда қизиқарди. Эстрада қўшиқларидан Ботир Зокировни эсларди. Устозлар тақлидчиликка берилиб кетмасликни маслаҳат беришарди. У қайсарлик қилмай, овозини сақлаб қолишга интиларди. Қашқадарё вилоятида сафарда (1982) бўлганимда, у маҳорат билан ижро этган ўндан зиёд миллат қўшиқлари ҳаммага ёқди. Шарифжоннинг ўз овози борлиги, санъатга ҳурмати, мақсадига етгани акс этиб турарди.

Институтнинг мусиқали драма ихтисоси талабаларидан Одилжон Исмоилов эса миллий қўшиқлар айтишга қизиқарди. Қўлидан рубоб тушмас, уни бирор тўйга ёки чақириққа таклиф этиб, ҳатто ҳақингни тузукроқ бераман, деса ҳам рад жавоб қайтариб: «Кечирасиз, ҳали ўқияпман», — дерди. Муҳаббат, вафо ҳақидаги қўшиқларидан айримлари радиода эшитилиб турарди.

Йўлдошали Каримов ҳам овоз жиҳатдан курсдоши Одилжон Исмоиловдан қолишмасди. У, Неъматжон Пардаев ва мен бир хонада яшардик. Овозларини чиниқтириш учун сайқаллаб, тор, рубоб ҳам чалишарди. Турли машқлар билан бир қаторда тез айтиш, эртак, ҳикоя, ривоятлардан ўқиб, ўрганишарди. Йўлдошалининг кўнгли бироз бўш, дўстга содиқлик қилишни хуш кўрар, хафа қилиб қўйишдан қўрқарди. Шу ўринда ибратли бир воқеа ёдимга тушиб қолди. Бир куни амаким Чимкентдаги ошнасининг тўйига «артистни ўзим кўтараман», деб ваъда бериб қўйибди. Аксига олиб, узоққа борадиган артист топилмабди. Ётоқхонамизга мени кўргани келиб, дардини айтиб қолди. Эртаси дам олиш куни эди. Хулласи, илтимосим ерда қолмади. Йўлдошалини тўйга боришга кўндирдим. Йўлдошали: «Ҳа, майли. Амакинг экан, хафа бўлмасинлар», деб бинойидек тўйбоп артист-хушовозларни йиғибди. Чимкентдаги тўй тонг отишига яқин тугади, овоз путурдан кетди, анча вақтгача ўқишларининг мазаси қочди. Ана шунда ўзим учун муҳим нарсани кашф этдим: санъаткор «отарчи» эмас, одамга ҳақиқий дўст бўлсанг, унга халақит бермаслик зарур экан.

Теша Мўминов эса айримларга ўхшаб қимматли вақтини бекор ўтказмас, ҳатто ҳашарга чиққанимизда пахтазордаям турли одамлар юриш-туриши, турмушини кузатиб, ўрганиб юрар, у фақат ўқувчи эди. Бирор ролдан парча ёки монолог, ё бўлмаса қўшиқ, лапар айтганини сира эслолмайман. Ҳақиқатни айтганда, тортинчоқ эмасди-ю, ўзига пухта, олий мақсадни ўйлаб иш қиларди.

Эндиликда Ўзбекистон халқ артисти, кўзга кўринган санъаткор Теша Мўминовнинг ўша пайтда камгаплиги мени ўйлантириб қўярди. Даврамизга қўшилганда онда-сонда гапириб, жим ўтириб, бошқалар гапларини эшитишни хуш кўрарди. Бирор қизиқроқ гапдан роса кулсак, у ўзича нимадир ўйлар, бир сўз айтмай, оҳиста кулиб қўярди. Тешанинг ўша кезлардаги ўйчанлиги, изланувчанлиги бугунги ижодида аниқ сезилмоқда.

Ўзига ишонган санъаткорлардан бири Эргаш Масафоев машҳур ўзбек режиссёрларидан бири, кўпнинг устози Тошхўжа Хўжаев таълимотини оларди. Саҳна асарлари ҳақида саволлар бериб, биз, бўлажак театршуносларни гангитиб қўйиши унинг билимдонлигидан дарак берарди. Очиғини айтганда, Эргашни кўрганимизда «бугун қандай савол бераркин», деб ҳадиксираб юрардик. У вақтни қадрлар, ўқигани-ўқиган, хонасида ўтириб, ўйлагани-ўйлаган эди. Режиссёрлик оғир, маъсулиятли касб эканлигини яхши ҳис этарди.

1968 йили октябр ойида собиқ «Ёш гвардия» номли драма театри ташкил топганда, Маданият ишлари вазирлиги мени шу ерга ишга юборди. Бу даргоҳда мен режиссёр Эргаш Масафоев билан бирга ишлаб, уни яна яхшироқ билишга мушарраф бўлдим. Ўша пайтлар деярли ҳамма ходимлар эртадан кечгача театр ишларини сансалорлик қилмай биргаликда бажаравердик. Энг оғир юк режиссёрга тушишини ўшанда ҳис қилгандим. Эргашнинг уддабурро режиссёрлигига, актёрлар билан ишлашига ҳавасим келарди.

Ўзига хос маҳорати билан аста-секин танилиб келаётган истеъдод, Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театри актёри Абдусамад Жўрабоев ҳақида ҳам тўхталмоқчиман.

Абдусамад мактабни битириб, институтнинг театр бўлимига ҳужжатларни топширмоқчи бўлганида: «Бўйинг паст, актёрликка ярамайсан», дейишибди. Катта даргоҳга биринчи марта келгани учун, қолаверса, содда ва тортинчоқ эмасми, одоб сақлаб, уйига қайтиб кетади-да, далада ишлайверади. Бироқ, санъатга иштиёқи уни тинчитмайди. Келаси йили яна институтга келганида, шу гапни такрор эшитади. Лекин бу сафар қатъий қарорга келган Абдусамат институт ректорига кириб, бирдан-бир мақсади ва юрагига тугиб қўйган орзусини тушунтирди. Гапининг охирида «ҳеч бўлмаса болалар қиёфасида кўринарман», деб юборганини сезмай қолди. Ҳақиқатдан ҳам ёш болага ўхшаш йигитчанинг бу гапидан сўнг, ректор кулиб юборади ва ишонч билан боқиб: «Яхши, ундай бўлса ҳужжатларингни тезда топширақол, мени айтди де, хўпми?» деб, хонадан чиқаётганда очиқ юз билан кузатиб қўяди.

Мен буларни нима учун ёзяпман? Сабаб шуки, айримлар санъатга, маданиятга ҳавас қилиб, институтга бир амаллаб кириб олишади. Лекин бироз ўқигач, бу касбнинг қийин, машаққатли меҳнат эканини англаб, ҳафсаласи пир бўлади. Шунда ҳам «олий маълумотли бўлсам бўлдида», деб амаллаб ўқишни тамомлаб, ўзларини синаб кўрмоқчи бўлиб, театрда ишлаб кўришади. Омад келса келди, бўлмаса тирикчилик ўтказиш учун вақтинча оммавий саҳналарда гала-гала бўлиб юришаверади. Охир-оқибатда на ҳаётда ўз ўринларини топишади, на ижодда бирор нимага эришишади. Ҳозирги кунда эса тирикчилик ташвишида санъатни ташлаб бошқа юмушларга қўмилиб юрганлар ҳам оз эмас. Эҳтимол, уларни ҳам тушуниш керакдир. Ҳар ҳолда, ўз вақтида санъат унинг иши эмаслигини англаб, бошқа ишнинг этагини тутаётганлар марднинг ишини қилишади. Чунки санъат фидойиларни севади. Бироқ шундайлар ҳам борки, санъатга ҳақиқий ҳаваси бўла туриб, турли сабабларга кўра турмушнинг бошқа кўчаларига кириб кетадилар. Очиғи, улардан баъзиларини яқиндан таниганим учун ачинаман.

Ҳамқишлоғим Тошканбой Ўриновни жуда яхши биламан. Қишлоғимизга узоқдан тузукроқ санъаткорнинг келиши қийин. Шундай пайтларда қаёқдандир Тошканбой пайдо бўлиб, ҳар қандай тўй-ҳашамни артистсиз ҳам қиздириб юборарди. Афсуски, оилавий шароити туфайли қишлоқда қолиб тракторчилик қиларди. Тошканбой Ўриновнинг истеъдодидан хабар топган Чиноз маданият бўлими бошлиғи Тўлқин Умрзоқов уни маданият уйига таклиф этди. Тракторини ҳайдаб, маданият уйигаям қатнаб турди. Фурқат, Муқимий, Камтар шеърларидан қўшиқлар айтиб юрган Тошканбой Янгийўл халқ театрига ишга олинди. Ҳозирги кунда Тошканбой Ўринов қишлоқдаги бадиий тўгараклардан бирида раҳбарлик қилмоқда.

Бу ерда ўзим билган санъаткорларнинг баъзиларини мисолга келтирдим, холос. Афсуски, театршунос, санъаткор бўлишга арзийдиган, бироқ баъзи объектив ва субъектив сабабларга кўра орзусига етолмай, бошқа соҳаларга ўтиб кетган биродарларимиз оз эмас. Ҳозирги кунда ўшалар қанчалик иш бериши мумкинлигини ўйлаб ачиниб кетасан.

Бугун ҳукуматимиз санъатга маънавиятнинг бир қисми сифатида қараб, кўплаб хайрли тадбирларни амалга ошираётган бир пайтда қобилиятли, ишга чанқоқ ёшларни ўз соҳаси бўйича иш билан таъминлаш вазифасига масъулият ила ёндошмоқ зарур. Токи оғиздаги гап билан амалдаги иш бир бўлишига эришайлик. Чунки санъаткор бўлиш, санъат соҳасида ишлаш осон эмас. Албатта, бунинг учун одамнинг ўзида ҳам мустаҳкам хоҳиш-ирода, интилиш бўлиши лозим. Ва лекин ана шу орзу-истакларнинг амалга ошиши атрофдагиларнинг инсофу диёнатига, қўллаб-қувватлашига ҳам боғлиқ эмасми!

Маҳмуд АҲМЕДОВ

ЭЪТИРОФ ВА ЭҲТИРОМ

Сир эмас, ҳар бир театрнинг ва умуман ўзбек театрининг ижодий парвози биринчи навбатда саҳналаштирувчи режиссёрга боғлиқ. Бундай мақомдаги санъаткор эса, афсуски, ноёб ҳодисалар жумласига киради. Бугунги миллий театримиз тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшиб келаётган Баҳодир Йўлдошев шундай ноёб ҳодисадир.

Баҳодир Йўлдошев ўзбек режиссурасига жуда эрта кириб келди. У Ҳамза номидаги театрда бош режиссёр лавозимини адо этган йиллардаёқ собиқ иттифоқнинг энг истеъдодли режиссёрларидан бири сифатида шуҳрат қозонди. Кейинчалик у Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театри саҳнасида қатор тарихий ва замонавий спектаклларни юксак бадиий савияда саҳналаштириб, маданий хорижга ҳам танилди. Унинг истиқлол давридаги ижодий фаолияти эса нафақат ватандошлари, айни пайтда хорижий театр санъати мухлисларининг ҳам таҳсинларига сазовор бўлди.

Атоқли режиссёрнинг азалий орзуларидан бири театр спектаклини очиқ майдонга олиб чиқиш эди. У шу мақсадда таваллудгоҳи Каттақўрғон яқинида антик давр театрига хос амфитеатрни қура бошлаган. Ҳамза ижоди гултожи «Майсаранинг иши» комедиясини ҳам шу мақсадда очиқ майдонга кўчирган. Унинг ана шу йўналишдаги орзуларининг ушалиши истиқлол даврига тўғри келди. Янги тарихий давр унга Амир Темур, Улуғбек сингари оламшумул тарихий сиймоларимиз образини кенг майдонда — минглаб томошабинлар қаршисида яратиш имконини берди. Б. Йўлдошевнинг мазкур буюк аждодларимизнинг юбилейлари муносабати билан тайёрлаган концерт-спектакллари маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Улар «Буюк ипак йўли» концерт-спектакли билан биргаликда ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида ҳам намойиш этилиб, миллий санъатимизнинг бугунги равнақини бутун дунёга кўз-кўз қилди.

Яқинда Калифорния (АҚШ) даги Фан, Таълим, Саноат ва Санъат Халқаро Академияси ўзбек режиссёрининг театр санъати тараққиётига қўшган ҳиссасини инобатга олиб, уни Академиянинг ҳақиқий аъзоси қилиб сайлади. Баҳодир Йўлдошев ўз сафида жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларидаги Академиянинг ҳақиқий аъзолари — атоқли олимлар, ёзувчилар, давлат арбоблари, санъат ва адабиёт намояндаларидан иборат анжумандан муносиб ўрин олди.

Жаҳондаги ўзгариб бораётган геополитик вазият тақозоси билан ташкил топган мазкур Академия ҳозирги вақтда Франция, Германия, Япония, Канада, Италия, Швеция сингари мамлакатларда ўндан зиёд бўлимларига эга. Академиянинг бош мақсади турли маданиятларга мансуб халқлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни яхшилаш, рўёбга чиқмай қолаётган илмий ғоялар, фан ва технология ютуқлари, ақл-заковат ва саноат захираларининг юзага чиқишига кўмаклашишдир. Ана шундай эзгу ниятни ўзига шиор қилиб олган Академия Ғарбдаги ва МДҲдаги фирмалар учун ахборот «кўприклари», савдо-иқтисодий миссиялар ва маслаҳат марказларини ташкил этади, техника ва маданият кўргазмалари, халқаро конгресслар, танловлар, семинарлар, бизнес-турларни уюштиради, юксак технология ютуқлари ва маҳсулотларини тарғиб этиб, нишонлар, мукофотлар, фахрий унвонларни беради.

Баҳодир Йўлдошевнинг Академияга ҳақиқий аъзо этиб сайланиши унинг театр санъати соҳасидаги хизматларини эътироф қилиш ва ардоқлашгина бўлиб қолмай, балки Академия билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланиши учун ҳам янги уфқларни очиши шубҳасиздир.

Наим КАРИМОВ

ОИЛА ЙИЛИГА БАҒИШЛАНАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ ВА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИНИНГ 1998 ЙИЛДА ЎТКАЗИЛАДИГАН КЎРИК-ТАНЛОВЛАРИ

Оилавий ансамблларнинг тўртинчи республика кўрик-танлови.

Жиззах вилояти, май.

Ўзбекистон халқ артисти Муҳиддин Қориёқубовнинг 100 йиллигига бағишланган ашула ва рақс ансамбларининг тўртинчи кўрик-танлови.

Тошкент шаҳри, июн.

Алла ижрочиларининг IV анъанавий кўрик-танлови.

Тошкент шаҳри, июл.

«Эл севган хонанда-бастакорлар» туркумидан Ўзбекистон халқ ҳофизлари Фаттоҳхон Мамадалиев, Орифхон Ҳотамов, Эсон Лутфуллаевлар ва бастакор Абдуҳошим Исмоилов асарлари ижрочиларининг тўртинчи республика кўрик-танлови.

Тошкент шаҳри, сентябр.

«Алпомиш» достони яратилганининг 1000 йиллиги олдидан Бахши шоирларнинг бешинчи республика кўрик-танлови.

Сурхондарё вилояти, ноябр.

Фото-ҳаваскорларнинг учинчи республика кўргазмаси.

Тошкент шаҳри, декабр.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 10а-уй.
Боғланиш телефони: 78-74-66.

ОДДИЙЛИК — ЖЎНЛИК ЭМАС

Менинг дастлабки саҳна асарим Сирдарё театрида қўйилган.

1978 йил эди. Маҳкам Муҳаммедов «Ўттиз ёшлилар» деган пиесамни телевидениеда қўймоқчи эди, тақдир тақозоси билан у Сирдарё театрига бош режиссёр бўлиб кетди. Пиесани ҳам олиб кетди, албатта. Сўнгра мени ҳам таклиф қилди. Гулистонга бордим. Жамоа ниҳоятда яхши кутиб олди. Бу ерда ишлаётган санъаткорлар билан танишувим, уларни кашф қилишим ўшанда бошланган. Шароф Бошбеков, Абдуҳамид Ғафуров, Шафоат Раҳматиллаева, марҳум Рустам Ҳамдамов...

Мен кашф этган ўша санъаткорлар орасида Мамажон Нурматов ҳам бор эди.

Мамажон Нурматовни кўрган одам дафъатан унинг актёрлигини тасаввур қилолмайди. Уни деҳқон деб ўйлайди. Чунки у кўриниши билан ҳам, ўта табиийлиги, ўта самимийлиги билан ҳам айнан деҳқонга ўхшайди. Бироқ саҳнада ҳақиқий актёр, ҳақиқий санъаткор эканини намойиш қилади.

Унинг «Имзо», «Ричард III», «Гапир!» сингари, Сирдарё вилоят театрини ўзбекнинг етук театрлари қаторига олиб чиққан жуда кўп спектаклларда ижро этган ролларни табиийлиги билан ҳам, кучи билан ҳам томошабин ёдида сақланиб қолган.

Мен Мамажон Нурматовнинг «Ер томири» спектаклидаги бош рол ижросини алоҳида таъкидлашни истардим. Унинг қаҳрамони Бегимқул худди Мамажоннинг ўзидек деҳқон йигит. Содда, тўпори, тўғри, ҳалол. Қишлоқ хўжалигида ўша пайтда мавжуд бўлган тартибларга кўниколмайди. Ўзининг иш услубини жорий қилади. Одамлар билан оддий одамлардек муомалада бўлади. Раҳбар халқдан узилиб қолмаслиги, доимо халқ ичида бўлиши, халқнинг дарди билан яшаши лозим, деган ақидага амал қилиб ишлайди, яшайди. Бу феъли учун жуда кўп жабр ҳам тортади, аммо йўлидан, ақидасидан қайтмайди. Рол Мамажоннинг табиатига мос бўлгани учун ҳам у ниҳоятда муваффақиятли чиққан. Спектакл телевидение орқали намойиш қи-

Икки оғиз дил сўзи

линганида анчагина баҳс-мунозараларга сабаб бўлганида ҳам Бегимқул образининг ўзигина эмас, Мамажон ижросининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Мамажон Нурматов қадрдон театридан ташқари телевидение билан ҳам мустаҳкам ҳамкорлик қилиб келган ва қилиб келяпти ҳам. Маҳкам Муҳаммедов, Мақсуд Юнусов, Ҳайбатилла Алиев сингари режиссёрлар ўзлари суратга олган телеспектакл ва видеофилмларга албатта Мамажонни таклиф этишади. Бунинг сабаби — актёрнинг такрорланмас истеъдоди экани барчага аён, албатта. Унинг телевидениедаги кейинги ишларидан бири — «Кўнгил кўчалари» видеофилмидаги роли ҳам асар муваффақиятини таъминлаган омиллардан бири экани шубҳасиз.

Мамажонни деҳқондай оддий инсон, дедим. Бироқ оддийлик — жўнлик эмас. Унинг санъатда йигирма беш йил мобайнида ижро этган роллари буни исботлаб турибди. Унинг халқ орасида қозонган обрўси буни исботлаб турибди. Унга берилган «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони буни исботлаб турибди.

Мамажон Нурматов бугунги кунда ўзи туғилиб ўсган Чиноз туманида маданият ишлари бўлими бошлиғи бўлиб ишлаяпти. Ўзининг бири биридан яхши роллари билан халқ юрагидан жой олган санъаткор энди ўзи сингари санъаткорларни тарбиялашдек олижаноб иш билан банд.

Шу кунларда умрининг бир довони — таваллудининг эллик йиллигини нишонлаётган бу санъаткорга оиласида тинчлик-тотувлик, фарзандлар камоли ҳамда санъат соҳасидаги фаолиятига янги парвозлар тилайман.

Машраб БОБОЕВ

Кўпни кўрганлар ҳузурида

ГАВҲАРЛАРДАН БИРИ

«Гўзаллик бамисоли дарахт. Япроғи — ахлоқ, илдизи — ички дунё, меваси яхши фазилат. Мана шундай гўзаллик инсонга ҳусн беради...» деган эди Мирзакалон Исмоилий.

Адибнинг бу сатрлари ажойиб рақкоса, санъатимиз гавҳари бўлган Гавҳархон ая Раҳимовага таалluқлидай гўё. Биз яқинда бу мухтарам инсон хонадонига ташриф буюрдик.

Эшик олдида бошига оқ дуррача ураган, сочлари битта қилиб ўрилган, кийими, ҳаракатларида ўзбекона лутф мужассам аёл қарши олди.

— Мен ёш эдим. Санъат менинг кўз ўнгимда шундай гўзал, ёркин нарсага айландики, унга интилмасдан иложим йўқ эди. Менинг ўша пайтлардаги санъатга бўлган қизиқишимни ўйинчоққа талпинган гўдакнинг ҳаракатига қиёс қилса бўлади.

Устозим Уста Олим Комилов биринчи учрашувдаёқ ҳаётнинг бутун гўзаллигини очиб бергандай бўлди. Бу гўзал дунё санъат дунёси эди. У бизни Гўзалликни тушунишга ўргатди. Одамийликни мен ўшалардан ўрганганман.

Дарҳақиқат, Гавҳархон Раҳимова устозлари Уста Олим Комилов, Маҳкам Ҳофиз, Муҳиддин Қориёқубов, Юсуфжон қизиқ Шакаржоновлар изидан борди.

— Театрда менга биринчи марта рол беришди — дея эслайди Гавҳар ая. — **Хуршиднинг «Фарҳод ва Ширин» асари асосидаги спектаклда Моҳинбону ролини тайёрлашим керак эди. Бу ролни ижро этиш мен учун ҳам ҳаяжонли, ҳам ёқимли кечди.**

Мазкур пиеса шеър билан ёзилган, унда қадимги ўзбек, араб ва форс сўзлари жуда кўп эди. Шу сабабли кўп сўзларнинг маъносига тушунмасдим. Нима қиларимни билмасдим. Ана шундай қийинчилик пайтларида ўзбек театрининг ажойиб актрисаларидан бири Мария Кузнецова ёрдамга келди.

Иккинчи ролим Ғулом Зафарийнинг «Ҳалима» пиесасидаги Холжон хола бўлиб, саҳнада мураккаб характерли кампирни кўрсатиб беришим керак эди. Бу вақтда ёшим эндигина 16 га тўлганди. Ёшлигим ва тажрибасизлигим туфайли бу ролга қайси томондан ёндошишимни билмасдим. Ҳатто театрдан кетишни ҳам ўйлаб қолдим. Яна Мария опа ёрдамга келди. Меҳрибон қўллари билан елкамга қоқиб, илиқ сўзлар айтди, кўнглимни кўтарди.

— Театрдан кетишни хаёлингга ҳам келтирма, — деди у.

Ўша кунлар менинг саҳна санъатига ўтишим учун кўприк бўлди. Ана шу кўприкдан қоқилмай-сурилмай ўтишимда Мария Кузнецова жуда катта кўмак берди. Мен бу аёлнинг хотирасини юрагимда абадий сақлайман.

Гавҳар опадан Соиб Хўжаев билан қандай дўстлашганини сўрадик.

— Эҳ, нимасини айтасиз! Соибжон ҳам, мен ҳам Муҳиддин Қориёқубов билан Тамарахонимнинг уйида яшар эдик. Чунки Соибжон акасиникидан қатнаши қийин бўлгани учун Муҳиддин қори уни ўз қарамоғига олганди.

Иккаламиз учун бир жуфт паст пошна туфли бор эди. Уни навбатма-навбат кийиб кўчага чиқардик. Бўйнимизга тақадиган галстугимиз ҳам битта. Уни гоҳо «сорочка» кийганда Соибжон тақар, гоҳо инглизча кофта кийганимда мен тақардим...

Гавҳархон аянинг бошидан кечирганларини айтиб адо қилиб бўлмайди. Ўн ёшида отасидан етим қолди, ўн бир ёшида онаси касалхонага тушгач, оилани тебратиш учун турли юмушлар билдан шуғулланди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида бир аскар каби фидокорлик кўрсатиб, тўрт йил фронтларда ўт-олов ичида юрди.

У Ўзбекистонда 25та, Хоразмнинг ўзида 6та ансамбл ташкил этган, ўзбек халқ санъати равнақига катта ҳисса қўшган. Аянинг ўз тили билан айтганда:

Етмиш йил тиним
билмай санъат саодат
учун,
Жонимни фидо қилдим
ўзбекий санъат учун!

Ўзининг бутун маҳоратини, қалб қўрини санъатга бахш этган, икки фарзанднинг онаси, кўплаб невара, эвара ва чевараларнинг бувиси Гавҳархон ая Раҳимова бугун саксон олти ёшдалар. Лекин ҳали ҳам гўзал, ҳам тетик, сўзлари донадона. Аяга жуда-жуда ҳавасимиз, жуда-жуда ўхшагимиз келди. Чин дилдан:

«Санъатимиз гавҳарисиз-а Аяжон» дегимиз келди...

Максуда БОТИРОВА

БОЛАЛАР ҚАЛБИНИ РОМ ЭТИБ...

Азалий халқ мусиқа ижодиётидаги мавжуд анъаналарни давом эттириб келаётган ўзбек композиторлари орасида Нодим Норхўжаев ижоди алоҳида ўринга эга. Саҳнавий асарлари, симфоник ва халқ чолғу оркестри учун яратган мусиқий намуналари, турли мусиқа созлари ва овоз учун ёзган куй-қўшиқ-романслари унинг мусиқа ижодиётидаги услубини, ўрни ва моҳиятини белгилади. Айниқса, даврга хос болалар мусиқаси равнақига муайян даражада таъсир этди. Барча мусиқа жанрларида ижод этган Н. Норхўжаевнинг композиторлик фаолияти болалар қўшиқчилиги негизида шаклланди.

Ҳар бир санъат намояндасининг етук аҳамият касб этишида унинг яшаш муҳити, тарбия, сабоқ ва ижод манбаи асосий мезон ҳисобланади. Нодим Норхўжаевнинг мусиқа дунёсига кириб келиши бой анъанага ўзбек мусиқасининг қалбларни ром этувчи оҳанглари, халқимизнинг ҳаётини, дил туйғуларини мадҳ этишда асосий мезон бўлган чолғу созларимиздан танбур билан боғлиқ. Мусиқа сабоғи жараёни уни ижод бўстонига етаклади. Ўзида куй басталаш қобилиятини англаган Нодим Норхўжаев, аввалига фортепиано, халқ чолғулари учун пиесалар, соналар, вариациялар яратишга киришди. Айнан фортепиано учун яратган асарлари ва симфонеттаси билан мусиқа ижодиёти аҳли орасида кўрина бошлади. Бироқ кейинчалик — 60-йилларда эндигина оммалашиб келаётган болалар қўшиқчилик санъати уни ўзига ром этди ва болалар учун қўшиқлар ижод этишга қўл урди. Мурғак қалбларга мос йўл топишга муяссар бўлди. Оммавий болалар жамоалари билан бўлган яқиндан мулоқотлар ва муносабатлар бир қатор янги асарлар яратилишига олиб келди.

Нодим Норхўжаев ижодида турли намунадаги болаларбоп 200 дан ортиқ қўшиқ мавжуд.

Композитор янги бир йўналиш, яъни болалар эстрада қўшиқчилиги услубини яратишда биринчилардан бўлди. Унинг бу услуби ижодкорларнинг кейинги авлоди учун муайян даражада мезон вазифасини ўтади.

Нодим Норхўжаев асарларининг туб негизида ўзбек мусиқа меросининг анъаналари намоёт бўлади. У мусиқа ижодиётининг йирик жанрларига мурожаат этар экан, аввало, асарларида оҳанг мажмуининг бетакрорлиги, ғоявий мукаммаллиги, шаклан расо ва мантиқан теранлигини таъминлашга уринди.

Композитор ижодидан муносиб ўрин эгаллаган Увертюра, 1-симфония, «Шодиёна» увертюраси каби симфоник оркестр учун ёзган асарлар, акапелло хори учун яратилган Отаёр сўзи билан айтиладиган «Мангулик» қўшиғи, Эркин Воҳидов сўзига басталанган «Дарахтлар суҳбати» ва «Нима мазали» туркумлари, болалар хорига мўлжалланган «Ҳафта» кантатаси, «Менинг ўлкам» вокал-симфоник сюитаси, торли квартет, фортепиано ва концертларда композитор услубининг бетакрор сифатлари муҳрланганлигининг гувоҳи бўламиз.

Нодим Норхўжаев ижод жараёнида саҳнавий мусиқа намуналарига ўзига хос тарзда ёндошади. «Туяқуш — бояқуш» спектакли (операси) бунинг ёрқин мисолидир. Унинг «Она болам дейди», «Жўжаларим» ва «Ажойиб уруғ» спектакллари турли театрлар саҳналаридан мустаҳкам ўрин олган.

Н. Норхўжаев самарали ижодий фаолиятини муаллимлик-устозлик ва жамоат иши билан уйғунликда олиб бормоқда. У салкам 20 йил Тошкент давлат Маданият институтида ишлади, айни пайтда эса М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат Консерваторияси доценти сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Устоз-мураббий, композитор Нодим Норхўжаев бу йил 50 ёшга тўлди. Биз севимли ижодкоримизни қутлуғ ёшлари билан муборакбод этиб, халқимизга янгидан-янги асарлар яратишларида ижодий баркамоллик, сиҳат-саломатлик ва улкан зафарлар тилаб қоламиз.

Соибжон БЕГМАТОВ,
санъатшунослик номзоди,
мусиқашунос

Ўзбекистон республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва касаба уюшма қўмитаси вазирлик фан, ўқув юртлари, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Жумақул Шомуродовга отаси

Хўжамурод ШОМУРОДОВ

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Маҳкам МАҲМУД

АСРИ САОДАТ САБОҚЛАРИ

Илк ислом жамоалари даврини, Муҳаммад пайғамбар ва саҳобалар мол-дунё йиғмасдан, ҳеч кимни алдамасдан, шариатга тўла амал қилиб яшаган даврни ислом тарихида «Саодат асри» деб аталади.

«Мовароуннаҳр» нашриёти (ношир Абдулбосит Абдулборий) «Ислом тарихидан сабоқлар» туркумида атоқли турк исломшунос олими Закои Кўнрапанинг уч қисмли нодир асарини халқимизга тақдим этди. Биринчи китоб «Пайғамбаримиз ва Ашараи мубашшара» деб номланган. Унда ҳазрат Муҳаммад ва саҳобаларининг Маккаи мукаррама давридаги ҳаётлари, адолатли, фаровон жамият қуриш учун курашлари ҳикоя қилинади.

Бизга шўролар даврида дин ва фан бир-бирига душман деб тушунтириб келдилар. Аслида эса, Қуръони каримда бошдан охиригача илм-фан улуғланади. Ҳадиси шарифда ҳам «Уламо (олимлар) — пайғамбарнинг ворисларидир», деб, иззат-икром этилади. Закои Кўнрапа «Пайғамбаримиз ва Ашараи мубашшара» китобида фан ва дин бир-бирига зид эмаслигини, аксинча, баъзи олий руҳий илмларни билишга фаннинг кучи етмаслигини далиллайди: «Фан бир нарсанинг қандай (ҳолатларда) бўлиши мумкинлигини ўрганади. Нима учун (шундай) бўлганлигини эса фалсафага қўйиб беради... Фан... бу дунёга келган одамнинг бир кунмас-бир кун барибир ўлишини айтади, бироқ аниқ қаёққа кетиши масаласига келганда, оқсаб қолади. Фан воқеа-ҳодисанинг фақатгина шаклидан баҳс юритади. Фалсафа эса, сабабини тушунтиришга интилади. Лекин фалсафа ҳам ақл билан чегараланган, яъни фалсафанинг ҳудуди ақлдир. Ақл ечолмаган мавзуа ва масалаларни ечиш фаннинг имкони ва вазифасидан ташқаридадир. Мана шу нуқтада сўз навбати динга берилади». Закои Кўнрапа ҳаққоний айтганидек, «дин — Аллоҳнинг бир эҳсонидир. Ҳақ таоло инсонларга уларнинг ақли етмаган ҳақиқатларни пайғамбарлари воситасида ўргатган. Фаннинг имконият доирасидан ташқарида қолган, ақлнинг чегарасига кирмаган, фалсафани ожиз қолдирган масалаларни ечиш диннинг вазифасидир».

Закои Кўнрапа ёзганидек, Сийрати Муҳаммадийя ва Мағозий (ғазотлар) илми ислом тарихининг бир қисми, айни вақтда, сийрат фани ҳадис фанидан ажралиб чиққан. Агар сийратлар билан ҳадислар қиёс қилинса, қай бири ишончлирок? — деб савол берувчиларга Кўнрапа мавлоно Шиблийнинг «Асри саодат» китобига асосланиб, «сийар китоблари ҳадис китобларичалик мўътабар» эмас, дейди. Таниқли муҳаддис Ҳофиз Зайниддин Ироқий «Сийар китоблари саҳиҳ ва ғайрисаҳиҳ ривоятларни ўз ичига олган китоблардир. Илм истаганлар буни билишлари керак», дейди. Ҳижратнинг III асри ўрталаригача (милодий IX аср) мусулмонларнинг тарих асарлари Сийар ва Мағозий (ғазотнома), Футуҳот ва Табақот китобларидан иборат эди...

Муаллифнинг табаррук манбаларга асосан ёзишича, Исломга даъват бошланмасдан олдинги даврга «жоҳилият даври», Расули Акрамнинг пайғамбарлик даврига эса, «Саодат асри» номи берилган. «Саодат асри» 23 йил давом этган.

Биринчи китобда Муҳаммад Расулуллоҳнинг ёшлик йиллари, нубувватдан аввалги ҳаёти, пайғамбарликнинг бошланиши, ваҳий орқали нозил қилинган Қуръони каримнинг илк суралари, пайғамбарнинг энг яқин сафдошлари ва бошқа саҳобалар ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Жумладан, «Минг бир кеча» қаҳрамонларидан бирига айланган саҳоба Абу Зарр умр бўйи соф иймон билан яшаб, ноҳақлик ва ижтимоий тенгсизликка, мансабдарастлик ва молпарастликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши чиқди. Аллоҳ ризолиги йўлидаги шундай буюк иродаси туфайли у кўпчилик келишувчилар орасида яккаланиб қолди. Пайғамбаримиз уни ҳурмат қиларди, қачондир яккаланиб қолиши ва ёлғизликда ўлишини башорат этган эди.



«Ислом тарихидан сабоқлар»нинг иккинчи китоби «Ҳазрати пайғамбаримиз ва ислом дини» деб аталади. Унда Мадина давридаги ислом жамоасининг ҳаёти, Расулуллоҳ ва унинг саҳобалари қатнашган Бадр, Уҳуд, Табук, Ҳунайн ва бошқа жойлардаги мушрикларга қарши ғазотлар, Ҳудайбия сулҳи, Макка фатҳи каби муҳим тарихий воқеалар муфассал баён қилинган. Хусусан, Макка фатҳ этиладиган кундаги воқеалар бундай ривожланган: Маккаи мукаррамани қуршаб, шаҳарга кираётган қушинларни Расулуллоҳ қабилаларга қараб, айрим бўлинмаларга ажратган, токи бу ҳал қилувчи тарихий воқеада ҳар бир қабила ўз ҳаракатига жавобгарлик, масъулият ҳис этсин, ислом лашкарларига раҳнамолик қилаётган Расулуллоҳ кўрсатмаларига интизом билан аниқ риоя этсинлар. Бундан мақсад — Маккаи мукаррама фатҳида қон тўкилишининг олдини олиш, ислом пойтахтини иложи борича тинч йўл билан эгаллаш эди.

Расули Акрам Зи Туво деган жойда ислом қўшинининг Маккага кириш дастурини қўмондонларга ўргатганлар. «Сизларга қарши тажовуз воқеъ бўлмагунча, ҳеч кимсага қилич кўтармангиз! Жанг бошлаб юборишдан сақланингиз!» — дея танбеҳ, насиҳат қилганлар. Шу куни Расули Акрам ислом лашкарини тўртга бўлдилар. Ислом байроқларини тутган саҳоба саркардалардан ҳазрат Зубайр бўлинмаси Макканинг юқорисидан кириб келиши, Холид ибн Валид қаноти «Пастки маҳалла» дейилувчи жойдан шаҳарга кириши, бошқа гуруҳлар эса, Макканинг шарқ ва ғарб томонларини ишғол этишлари керак эди.

Бу қарорини Расулуллоҳ ислом қўшинлари шаҳарга киргунича билдирмай турган. Натижада жанговар ансорлар лашкарининг бош қўмондони саҳоба Саъд ибн Убода шаҳарга кираётиб: «Бугун.. Каъбада қон тўкиш ҳалол қилинган бир кундир!»— деб Абу Суфёнга таҳдид қилади. Бундан огоҳ этилган Расули Акрам: «Йўқ! Бугун лутф ва марҳамат кунидир... Каъба тавҳид либоси билан бурканадиган бир кундир!» — дея марҳамат этадилар.

Оллоҳнинг энг суюкли қули ва элчиси ҳазрати Муҳаммад бошларида дубулға, остларида «Қусво лақабли туялари, «Фатҳ» сурасини ўқиган ҳолда, асҳоблари даврасида Каъба масжидига келдилар... Гулдурос такбир садоларидан яқин-атрофдаги тоғлар титраб кетгандек бўлди».

Мўътабар манбалар асосида тарихий воқеаларни ибратли ёритган Закои Кўнрапа ҳар бир боб охирида ғоят қимматли шарҳ ва изоҳлар берган. Аниқланишича, ислом лашкарлари адади Бадр ғазотида 305, Уҳудда — 700, Хандақ ғазотида — 3000 киши эди. Ҳудайбия сулҳи вақтида — 1400 киши, Макка фатҳи вақтида эса, 12000 кишига етган. Яна шу изоҳларга кўра, аввалларги исломга душман бўлган Абу Суфён кейинчалик ислом динига кирган, Расулуллоҳ раҳбарлик қилган Тоиф жангида қатнашиб, бир кўзидан айрилган. Сўнгроқ, ҳазрати Умар даврида Ярмуқ жангида у иккинчи кўзидан ҳам айрилган. Ҳазрати Усмон халифалиги вақтида, 88 ёшида вафот этган.

Закои Кўнрапа шарҳларида ҳазрати Усмоннинг шаҳид қилиниши воқеасидан келиб чиққан низолар, жуҳудларнинг сабаия фирқаси ижвоси билан Куфадаги ҳазрати Али қўшини билан Маккадан, ҳаждан қайтаётган ҳазрати Ойиша, Талҳа ва Зубайр бошлиқ қўшин ўртасида Басра яқинида бўлган Жамал (Туя) жанги воқеаси муфассал тасвирланган.

Ҳазрати Али қўшинига кириб олган жуҳуд фитначилари Ойиша ўтирган туяга ҳужум қилиб, ул зотни асира этиб олиш учун қаттиқ жангга киришганлар. Аммо Талҳа ва Зубайр жангчилари Ойиша онамизни қаттиқ ҳимоя қилганлар. Ҳазрат Алининг тадбири билан Ойишанинг ҳазрат Али қўшинидаги акаси Муҳаммад ибн Абу Бакр опасини қутқазиб, хатарсиз жойга келтирган.

Китобдаги муҳим маълумотлардан яна бири — Расулуллоҳнинг тоифлик янги мусулмонларга енгиллик бериб, сабр-тоқат кўрсатишидир. Ул зот Тоифга бораётган ёш вакили Усмон ибн Абул Осга:

— **Намозларни чўзма! Инсонларнинг энг заифларини мезон тут! Жамоат орасида катта, кичик, заиф ва ишли одамлар бўлишини унутма!** — деган эканлар.

Китобда Макка фатҳидан сўнг Расулуллоҳнинг ўз элчилари орқали Рум қайсарига, Эрон шоҳи Хусрав Парвезга, Ҳабашистон нажошийсига, Византияга қарам бўлган Миср подшоҳи Муқовқисга юборилган мактубларининг тўлиқ мазмуни келтирилади ва уларга қандай жавоблар олинганги айтилади. Ҳабашистон подшоҳига йўлланган мактубида Расулуллоҳ «Исо ибн Марям — Аллоҳнинг руҳи ва калимасидир» деб, масиҳийлик динига, аҳли китобга чуқур ҳурмат билдирган.

Китобда яна пайғамбарнинг Ҳотам Тоий қизи Сафона, буюк араб шоири «Қасидаи Бурда» муаллифи Каъб ибн Зуҳайр билан суҳбатлари келтирилганки, булар ғоят ноёб воқеалардир.

«Сабоқлар»нинг «Алвидо, дунё! Ассалом, охират!» деб аталган учинчи қисмида муқаддас ҳаж тарихи, Расулуллоҳнинг видо ҳажи, видо хутбаси берилган. Уламоларга маълумки, Расулуллоҳнинг видо (видо) хутбасида мусулмонлар, бутун инсоният учун азиз бўлмиш гўзал насиҳатлар, ҳикматлар айтилган. Бу қимматли фикрлардан айримларидан келтирамиз:

Аллоҳ таолога мадху сано айтамиз. Унга қайтамиз. Нафсларимизнинг ёмонликларидан ва ёмон амалларимиз (қилмишларимиз)дан Унинг паноҳига қочамиз. Аллоҳ ҳидоятга бошлаган кишини ҳеч ким йўлдан чиқаролмайди...

Ҳадяларга ҳадя ила жавоб берилур. Эй, инсонлар! Хотинларнинг ҳақларига риоят этинг. Улар билан шафқат, меҳр ила муомалада бўлингиз. Хотинлар сизга тангрининг омонатидир...

Эй, мўъминлар! Барчангиз Одамлардансиз. Одам эса тупроқдандир. Ҳеч кимнинг бошқалардан (насл-насабда) устунлиги йўқдир. Шараф ва устунлик фақат фазилат биландир... Ҳақсизлик қилманг! Ҳақсизликка бўйин ҳам эгманг! Одамларнинг ҳақларини еманг! Зинҳор, мендан кейин, кофирларга ўхшаб, бир-бирингиз билан бўғишманг!

Эй, инсонлар! Аллоҳ ҳар кимга мерос ҳаққини Қуръонда билдирган. Ворислар (меросхўрлар) учун васиятнинг кераги йўқ!

Эй, инсонлар! Ҳар бир жиноятчи ўз айбига фақат ўзи жавобгардир. Ҳеч бир жиноятчининг гуноҳи учун авлоди жавоб бермайди...

Китобда эсланганидек, Расулуллоҳга видо ҳажи вақтида Қуръоннинг энг сўнгги, «Моида» («Дастурхон») сураси нозил қилинган. Унда Ҳақ таоло, жумладан: **«Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўкис қилиб бердим ва сизлар учун исломни дин қилиб танладим»,** деб марҳамат қилган эди.

Ҳаж вақтида Ақобада жамра — тош отар эканлар, Расулуллоҳ яна бир муҳим ҳикмат айтдилар:

— **Эй, инсонлар! Дин ишларида ҳаддан ошишликдан сақланинг!**

Сиздан аввалги умматларнинг ўлимига дин ишларидаги ҳаддан ошганликлари сабаб бўлди.

«Сабоқлар» 3- китобида пайғамбаримизнинг шамоиллари, юксак хулқлари ва инсоний фазилатлари васф этилади. Сўнг Ул зотнинг асҳоби (саҳобалари) ва уларнинг даражалари ҳақида фикр юритилади. Китобнинг бир боби эса, пайғамбаримизнинг завжалари ва исломда аёлнинг ўрни мавзуига бағишланган.

Сўнгра ислом халифалиги давлатининг мухтасар тарихи билан танишамиз. Хулафои рошидийн, Шомдаги Муовия халифалиги, Ироқдаги аббосийлар халифалиги, Мисрдаги фотимийлар ва аббосийлар халифалиги, кейин Турк усмонли халифалигида юз берган энг муҳим воқеалар ҳикоя қилинади.

Китоб охирида ислом давлатларининг жаҳоншумул тарихи солномаси келтириладики, буни ҳар бир маданиятли мусулмон, зиёли билиши зарур.

«Ислом тарихидан сабоқлар»нинг учала китоби ҳам халқимиз томонидан севилиб ўқилмоқда. Бу китоблар ватандошларимизнинг маънавий камолотига буюк хизмат қилмоқда. Асарнинг ҳар учала қисмини яхлит ҳолда нашр этиш — кони савоб, ғоят хайрли иш бўлур эди.

Китоб ноширн Абдулбосит Абдулборийга, таржимони Абдумурод Холмурод ўғлига, муҳаррири Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхонга, китобни ихлос билан ўқиб, иймон нурлари зиёда бўлган китобхонларга Ҳақ таолонинг лутфу карами насиб этсин.

Закои КЎНРАПА — *МОҲИ РАМАЗОН МУТОЛААСИ*

РАСУЛИ АКРАМНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

ШАМОИЛЛАРИ

Расули Акрам ўрта бўйдан новчароқ, йирик суякли, гавдали, бақувват, хушбичим бир инсон бўлганлар. Терилари юмшоқ, вужудлари қизғиш-оқ, киприклари қора ва узун, кўзлари қора ва каттагина, икки қошларининг ораси очиқ, бироқ бир-бирига яқин. Соқоллари қалин ва бир тутам. Катта бошли, ҳилол қошли эдилар. Пешоналари баланд, бурунлари текис, бўйчан, кўкраклари кенг эди. Қоринлари билан кўкраклари бир (текис) эди. Семиз ҳам, ориқ ҳам эмасдилар. Тиғиз этли эдилар. Қадамлари ясси эмас, чуқур эди. Кўзлари узоқни кўрар, қулоқлари узоқдан овоз оларди. Оғизлари каттагина бўлиб, тишлари зич жойлашган эди. Юзларининг бутун чизиқлари кўринарди. Елкалари этли, елка суяклари энли эди.

Хулласи, бошқа пайғамбарлар каби аъзолари соғлом ва мукаммал эди. Бироқ уларнинг (бошқа пайғамбарларнинг) энг гўзали эдилар. Гўзал юзли эдилар. Гўзал вужудли эдилар.

Жавдат Пошо дейдики:

«Ранглари на оҳак мисол оқ, на сарғимтир, балки иккиси ўртасидаги гул каби, қизилга яқин оқ-порлоқ бўлган; муборак юзларидан нур тараларди. Кўзларининг оқида ҳам қизиллик бор эди. Тишлари инжу каби порлар, гапираётганларида гўё тишларидан нур сочилар, кулаётганларида оғизлари бир латиф чақмоқ каби зиё таратиб очилар эди.

Вафотларида соч-соқоллари эндигина оқаришга бошлаган эди».

Шоир Ҳассон ибн Собит ал-Ансорийнинг Расули Акрам ҳақларидаги машҳур қитъасини ўн уч аср кейин турк шоири Меҳмет Нурий шундай таржима қилган эди:

Кўрмади асло бу кўзлар Сендан гўзал бир кимсани,
Туғилмади ҳеч бир аёлдан Сендан ажмал, ё Набий!
Айбу нуқсондин мубарродир вужуди акдасинг,
Орзуинг узра яратмишдир гўё Яздон Сени.

Асҳобдан Ҳазрати Жобир:

«Пайғамбарнинг юзлари қуёш, ой янглиғ порлоқ эди. Моҳтобли бир кечада бир пайғамбаримизнинг муборак юзларига, бир ойга қарадим. Расулуллоҳнинг юзлари янада жозибакор эди», деган.

Икки елкаларининг ўртасида «Нубувват муҳри» бор эди. Бу «Нубувват муҳри» ёввойи каптар тухуми сингари қирмизи бир ғудда (без, шиш) шаклида эди. Қора холлар бир жойга йиғилиб, узун тукли бир хол бўлиб қолган эди.

ЮКСАК АХЛОҚЛАРИ

Расули Акрам саййидимизнинг устун ахлоқлари ҳам фитратлари (яратилишлари) каби эди. Илк ваҳий келгандан сўнг Ҳиро (Нур) тоғидан Ҳазрати Хадичанинг ёнига қайтган пайтларида завжалари Хадича у кишига тасалли бериб:

«Аллоҳга қасамки, ҳеч қачон Аллоҳ сизни уялтириб қўймайди. Чунки сиз акраболарнинг ҳолидан хабар оласиз. Қарздорларнинг қарзини тўлайсиз. Камбағалларга ёрдам берасиз. Меҳмон кутасиз. Тўғриларни қўллайсиз. Муҳтожларнинг оғирини енгил қиласиз!» деган, пайғамбаримизнинг юксак ахлоқларини баён қилган эди.

Бошқа завжалари Ҳазрати Ойиша эса, Расули Акрамнинг ҳол ва шонлари ҳақида сўрашганида:

«Расулуллоҳнинг ахлоқлари Қуръон эди», дея жавоб берган.

Дарҳақиқат, Расули Акрамнинг ҳаётлари Қуръоннинг жонли бир кўриниши бўлган. У кишининг шахсларида Қуръоннинг бутун амрлари кўринар эди. Қуръон инсонларнинг руҳ ва баданидаги бутун қувватларни ёритувчи бир юксак ахлоқ мажалласи бўлгани каби, Расули Акрамнинг умрлари ҳам юксак ахлоқнинг амалий бир соҳаси эди. Шу сабабли мусулмонларнинг икки иршод манбалари бўлиб, улар: бири Аллоҳнинг китоби, иккинчиси эса комиллик намунаси бўлмиш Расулуллоҳнинг ҳаётларидир.

Ислом дини юксак ахлоқнинг тамали бўлгани каби, Расули Акрам ҳам: «Мен фақат гўзал ахлоқни мукаммаллаштирмоқ учун юборилдим», деб марҳамат қилдилар.

Қуръони Каримда эса:

«(Эй мўминлар), сизлар учун — Аллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун Аллоҳнинг пайғамбарида (иймон-эътиқод ва хулқи атворида) гўзал намуна бордир», дея марҳамат қилингандир.

Жаноби Ҳақ пайғамбарларини гўзал ахлоқли қилиб яратди. Расули Акрам фазилатни фазилат бўлгани учун ёқтирардилар. Ўртоқларига чексиз ҳурмат-эҳтиромли эдилар. Самимий севгиларини билдириш учун ўртоқларини оилада қўйилган ҳақиқий исмлари билан чақирганлар. Уларнинг даврасига ўтирарканлар, жой танламас, қаер бўш бўлса, ўша ерга дарҳол ўтириб олар, ҳеч кимга томон оёқларини узатмас эдилар. Шу қадар дона-дона гапирардиларки, эшитаётганлар У кишининг сўзларини ёдлай оларди. Аммо ҳеч қачон сўзларига амирлик безагини бермас, фойдасиз сўз сўзламас, ўзлари ҳақларида баландпарвоз гаплар ишлатмас эдилар.

Виқорли ва мутавозеъ бўлганлар. Қўпол эмасдилар. Кулар юзли, ширин сўзли бўлганлар. Ҳеч кимга ёмон гап сўзламаганлар, ҳеч кимга қўпол муомала қилмаганлар.

Бутун ҳаракатларида ва ишларида ўртачаликни танлаганлар. Бирор жойга бормоқчи бўлсалар, ўнг-сўлга бурилмасдан, шошилиб, тўғри йўлдан борганлар. Юрганларида ёнларидагилар орқада қолиб кетар, ҳатто у кишига етиб олиш учун югуришга мажбур бўлинар эди.

Асҳобнинг ёнига келсалар, ҳеч кимнинг ўзлари учун ўрнидан туришини истамасдилар. «Ажамлар каби, ўринларингдан турманглар!» дея ўзларининг Аллоҳнинг бир қули эканликларини, ҳаммага ўхшаб еб-ичишликларини сўзларига илова этганлар. Бир куни одамлардан бири муборак қўлларини ўпмоқчи бўлган, ўшанда Расули Акрам қўлларини тортиб олиб: «Бу ҳам ажам одатидир», дея марҳамат қилганлар.

Учраган ҳар кимга Расули Акрам биринчи бўлиб салом берар, қўл олиш учун олдинроқ ҳаракат қилар эдилар. Қўл ила кўришиш чоғи дарҳол қўлларини тортмас, қулоқларига пичирлаганларнинг сўзини эшитиб бўлмасдан юзларини қайирмас эдилар. Бир томонга бурилармасдилар, вужудлари билан бирга бурилар эдилар.

Расули Акрам муноқашани ёқтирмасдилар, керагидан ортиқча гапирмасдилар, ўзларига алоқадор бўлмаган ишларга аралашмасдилар. Фақат бутун халққа фойдали бўладиган масалалар билан машғул бўлардилар. Кимсани танқид ё ҳақорат этмас, бошқаларнинг сирларини тушунишга ҳаракат қилмас эдилар.

Умрларида оғизларидан бир марта бўлса-да, ёмон сўз чиққан эмас. Гапирсалар, сўзнинг энг тотлиси, энг чиройлисини гапирганлар. У кишининг сўзларини бутун асҳоб бошини эгиб, жон қулоқлари билан тинглар эди.

Пайғамбаримиз ёлғондан, ёлғончилардан нафратланганлар. Гапираётган одамни диққат билан эшитар, ҳеч кимнинг гапини бўлмас эдилар. Ҳамма кулганида, Расули Акрам фақатгина табассум қилганлар. Пайғамбаримизга қаттиқ, қўпол сўз айтилганида, рўпарадаги одамнинг бу сўзларини сабр билан қарши олар, ўзларини мақтаганларни эшитишни ёқтирмас эдилар.

Бир куни Расули Акрамни зиёрат этишга келган бир одам Ул зоти бобаракотнинг гапларини эшитиб бўлгач:

— Аллоҳнинг ва сизнинг хоҳлаганингиз бўлади! — дейиши билан, Расули Акрам:

— Сен Аллоҳга шерик қўшяпсан! Ёлғиз Аллоҳнинг хоҳлагани бўлади, дегин! — дея огоҳлантириб, у одамнинг сўзларини тузатганлар.

Ҳазрати Пайғамбар ҳеч кимни койимаганлар, бирор мусулмоннинг номини тилга олиб лаънатламаганлар, аёлга, хизматчига, жория ёки қулга ёхуд ҳайвонга озор етказмаганлар, ҳеч бир кимсанинг шариатга мувофиқ илтимосини рад этмаганлар.

Асҳобдан Ҳазрати Анас қуйидагиларни эътироф этади:

«Ўн йил Расули Акрамнинг хизматларида бўлдим. Менга бир марта бўлсин «Уф!» деганларини эшитмадим».

Расули Акрам ўзларига ёмонлик қилганлардан интиқом олмаганлар. Уҳуд ғазотида яраланиб ерга йиқилганларида, ўртоқларидан бири душманни дуои бад қилишларини хотирлатган, шунда пайғамбаримиз:

«Мен дунёга Аллоҳнинг ғазабини сўраш учун келмадим. Мен оламга раҳмат бўлмоқ учун юборилдим. Эй Аллоҳим! Қавмимни тўғри йўлга бошлагин. Чунки улар жоҳилдирлар!» дея дуо этганлар.

Маккалик мушриклардан интиқом олмоқ учун энг катта ва қулай фурсат Макканинг фатҳи куни эди. Ҳолбуки, ўша кун Расули Акрам йилларча У кишига ва барча мусулмонларга ҳар турли қийноқ ва азобларни қўллашдан тап тортмаган барча маккаликларни афв этдилар. Пайғамбаримизнинг энг суюкли амакилари Ҳазрати Ҳамзани ўлдирган Ваҳший билан Ҳамзанинг ўпкаларини чайнаган Ҳинд (Абу Суфённинг хотини) ҳам афвга ноил бўлишган эди.

Расули Акрам шахсларига қарши уюштирилган суиқасдларни ҳам афв этардилар. Бироқ Аллоҳнинг амрларига қарши чиққанлар ўзлари лойиқ бўлган жазони кўрар, давлат душманларига омонлик берилмас эди.

Расули Акрамни биринчи бор кўрганлар У зотнинг виқор ва ҳайбатлари олдида титраб қолар, аммо У киши билан дўст бўлгач, Саррвари Оламга мафтун бўларди-қоларди. Бир куни бир одам Жаноби Пайғамбарнинг зиёратларига келиб, ҳузурларида титрай бошлаган. Одамнинг бу ҳолини кўрган Расули Акрам:

«Ўртоқ! Титрамагин. Мен бир малик (ҳукмдор) эмасман. Мен Қурайшдан қуруқ нон еган бир аёлнинг ўғлиман!» деганлар.

Ўзларига нисбатан ортиқча сифатларнинг қўлланишига рухсат бермасдилар. Яна бир куни бошқа бир одам Расули Акрамга «Ҳожамиз, энг хайрлимиз, энг хайрлимизнинг ўғли!» каби хитоблар қилаётганини эшитиб:

«Эй инсонлар! Аллоҳдан қўрқингиз! Шайтонга эргашмангиз! Мен Абдуллоҳнинг ўғли Муҳаммадман, холос. Аллоҳ мени пайғамбарлик билан шарафлантирди. Менга бундан ошиқча таъзим кўрсатишингизни истамайман!» сўзлари билан кескин жавоб берганлар.

Йўлда кетарканлар, эркакми, аёл ё болами, ким бўлмасин, ҳар учраган кимсага салом берардилар. Фақрларни севар, ҳар оқшом бир қамбағални камтарона дастурхонларига олар, бошқа фақир-ночорларни асҳобнинг уйларига мусофир қилиб тарқатар эдилар.

Расули Акрам ҳаётларида ҳеч бир фақирни эшикларидан қайтармаганлар. Энг оғир дамларда ҳам, ҳатто ўзлари оч бўлишларига қарамай, муҳтожларни тўйдирар эдилар. Садақа қолмас, дарҳол тарқатар, фақат ҳадя қабул қилар эдилар.

Расули Акрам тиланчиларни ҳам, тиланчиликни ҳам асло хушламас эдилар. Инсоният ҳаётининг давомийлиги учун ҳамиша меҳнат қилмоқлик лозимлигини тайинлаб, «Меҳнат қилиш биздан, муваффақият Аллоҳдандир», дер эдилар. Ўзлари ҳам пайғамбарлик вазифалари билан бир қаторда яна ҳар қанақа ишни бажариб кетаверардилар. Уй юмушларида завжаларига ёрдам берардилар. Меҳмонларига ўзлари хизмат кўрсатар, уларнинг кўнглини олишга ҳаракат қилар эдилар.

Давоми келгуси сонда

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ
O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI
1997 йил

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона телефони— 133-52-91
* * *
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир —Мукаррама МУРОДОВА

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 0866. Ҳажми — 3 босма табоқ. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Индекс 64593.

1 2 3 4 5 6